O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.№

2007 йил 25 июль, чоршанба.

Миллий тикланиш

Миллий тикланиш — миллат келажаги

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

30 (413)-сон

Сотувда эркин нархда.

Истиқлол тенгдошлари



1991 йилнинг 1 сентябрида таваллуд топган Зафарбек Ражабов ҳадемай 16 ёшни қаршилайди. У шу йил Урганч шаҳридаги 17-умумтаълим мактабини тамомлади.

— Келажакда миллий кураш устаси бўлмоқчиман, — дейди Зафарбек. — Шу мақсадда вилоятимиздаги олимпия заҳиралари коллежига ҳужжатларимни топширдим.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

НИЯТНИ ЯХШИ ҚИЛИНГ

Яқинда Президентимизнинг Фарғона вилояти аҳолиси билан ўтказган навбатдаги учрашувида ажиб бир ҳолатнинг гувоҳи бўлдим. Тўғри, бу ҳолат Юртбошимизнинг ҳар бир учрашувида такрорланади. Аммо бу галгиси менда ўзгача таассурот қолдирди. Етмишни қоралаган, қўллари қадоқ, тилаклари оқ, миришкор отахон суҳбат давомида дуога қўл очиб, ният қилдилар:

«Илоҳо, халқимизнинг, юртимизнинг бахтига ҳамиша соғ-омон бўлинг! Минг ёшга киринг, невара-чевараларнинг бахт-иқболини кўринг!..»

Аслида тилаклари сувдек мусаффо, бағри осмон қадар кенг нуроний отахонлардан бундай дуо олишнинг ўзи бир бахт, ўзи бир омад. Ҳаммага ҳам насиб этавермайди бу!

Шунда, биласизми, Президентимиз қўлини кўксига қўйиб, таъзим бажо келтирди: «Тилакларингиз ўзингизга ҳам ҳамроҳ бўлсин, раҳмат! Албатта, минг ёшга киришнинг иложи йўқ. Аммо бу яхши ният. Машойихлар «Яхши ният — ярим мол», деб бекорга айтишмаган».

Дарҳақиқат, ният пок, самимий, улуғ бўлса, албатта, ижобат бўлгуси! Ахир, айтишади-ку, инсоннинг ҳар бир гапига фаришталар: «Омин», — дейди.

Менинг бир одатим бор: ҳар гал янги ой чиққанини кўрсам, беихтиёр қўлларимни дуога очиб, Яратгандан келаси ой, келаси йилларга ҳам тус-тугал, омон-эсон етиб боришни, юртимизга тинчлик-тотувлик, ризқимизга, умримизга барака, дилимга иймон тилайман.

Тўғри, мен янги ой чиқиши сабабини астрономиядан яхши биламан, аммо негадир болалигимда ота-онамдан кўрганларим, ўрганганим — шу тилакни такрорлайвераман. Энди эса бу одат бўлиб қолган.

Яқинда Сурхондарё вилоятига қилган сафаримиз чоғида шеригимга: «Янги ой чиқибди, қани бир дуо айтинг», — дедим. Бу гапим унга маъқул келмади, шекилли: «Қизиқмисиз, янги ой нега чиқишини билмайсизми, дуо айтинг деганингиз нимаси», — деди таажжуб билан.

Мен кўнглимдагини айтиб кўя қолдим:

— Янги ой чиққанда қилинган яхши ниятлар ижобат бўларкан.

— Шунга ишонасизми? — деди шеригим масалага жиддий тус бериб.

— Шубҳасиз, — дедим мен ҳам қатъий оҳангда. — Ният соф бўлса, албатта, ижобат бўлади.

Сизни билмадиму мен бунга ишонаман. Ҳеч бўлмаса руҳимизни, иймонимизни шу баҳона тафтиш қилиб олармиз. Эҳтимол, тобора дағаллашиб, сўкаёнлашиб бораётган забонимизга яхши сўзлар учиб, руҳиятимизга таъсир этар, эзгу, улуғвор сўзлар билан мақсадга эришиш, зафарга чорлаш йўлига ўтармиз. Ахир, ота-боболаримиз ҳар неки иш бошласа, яхши ниятлар қилишгани бежиз эмас.

Бундан 5 йил бурун Булунғур туманига боргани-мизда нуроний отахон даласини экишга тайёрлаб, уруғ қадамоқчи бўлиб турган экан. Кутилмаганда, ҳоким бова дабдурустдан тилга олиб бўлмайдиган сўзлар билан тракторчини сўкиб кетди. Билишимизча, у аллақачон бошқа далада бўлиши керак экан.

Хуллас, бир оз дилхираликдан сўнг ортга қайтар бўлдик. Ҳалиги отахон негадир уруғ қадашни истамаётганлигини сезиб қолдим ва сабабини сўрадим.

— Ҳа, энди бир оз шамоллаб келайлик, хаёлларни, кўнгилни дилхираликдан халос этайлик, кейин экармиз. Бояги нопок сўзларни шамол сал нарига учириб кетсин.

Отахоннинг сўзларини ҳазил деб тушунсам-да, унга ишонгим келди.

Мен шу мақолани ёзиб тугатаётиб, самога кўз тикдим. Кўк юзини ғуж-ғуж юлдузлар қоплаб олган, аммо улар орасида янги чиққан ҳилол нигоҳимни ўзига тортди ва беихтиёр қўлларимни дуога очдим. Яхши ниятлар айтгим келди:

«Илоҳо, юртимиз тинч, осмонимиз беғубор, Юртбошимиз омон бўлсин».

Олимжон ЎСАРОВ.

Бошланғич партия ташкилотларида

ЖОНЛИ ТАДБИР ДУНЁҚАРАШНИ КЕНГАЙТИРАДИ

«Бошланғич партия ташкилотлари партиянинг негизидир», дейилади ЎзМТДП Уставида. Партиянинг нуфузи, халқ орасидаги мавқеини ҳам айнан қуйи ташкилотлар иши белгилаб бериши ҳеч биримизга сир эмас. Шу боисдан, жойлардаги бошланғич ташкилотлардаги аҳволни яхшилаш, кўпроқ эътиборни уларга қаратиш бугуннинг талабидир. Хўш, туман ва шаҳар кенгашлари негизида ташкил қилинган бундай партия ташкилотлари бугун қай даражада ишламоқда? Сафдошларимизнинг бошини бирлаштириб, уларни ҳамфикрликка, ташаббускорликка чорлай оляптими улар? Шу нуқтаи назар билан қараганда, кўпгина туманларда иш аввалгидан кўра, анча изга тушиб қолгани сезилади. ЎзМТДП Вобкент туман кенгаши иши билан яқиндан танишиш давомида ҳам бунга амин бўлдик.

— Ҳозирда туман кенгашимиз қошида 13 та бошланғич ташкилот фаол иш юритаётир, — дейди кенгаш раиси Нажмиддин Қиличев. — Улар 347 нафар ҳамфикр, ҳаммаслак партиядошларимизни бирлаштирган. "Миллий тикланиш" фидойиларининг кўпчилиги халқ таълими тизимида фаолият юритади. Тажрибали, фаол етакчиларимиздан 31-мактаб ўқитувчиси Шаҳодат Шукурова, 10-мактаб муаллими Олим Асадов ҳамда ижодкор Қадр Барноевларни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатгимиз келади. Бир сўз билан айтганда, жонкуяр, ҳар бир ишга сидқидилдан ёндошадиган сафдошларимиз сони кундан кунга ортиб бормоқда.

Суҳбатдошимиз бизни олиб борилаётган ишлар билан яқиндан таништириш мақсадида тумандаги иқтисодиёт коллежига бошлади. Ўқув даргоҳи фаолият бошлаганига эндигина икки йил бўлди. Жамоанинг аҳиллиги, талабаларнинг илмга чанқоқлиги боис бу ерда турли хил учрашувлар, давра суҳбатлари ва мулоқотлар тез-тез ўтказиб турилар экан. Табиийки, ҳар бир йиғилиш сўнгида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишади, билмаганларини устозларидан сўраб, ўрганишади. Натижада уларнинг дунёқараши ўзгариб, билим олишга бўлган қизиқишлари янада ортиб бораётир. Олим Бақоев раҳбарлик қилиб келаётган жамоа вилоят коллежлари ўртасида рейтинг бўйича 5-ўринни эгаллагани бунинг амалдаги исботидир.

Туман кенгаши раиси бизни бежиз бу ўқув масканига бошлаб бормаган экан. Шу куни ёш, интилувчан партиядошларимизнинг бир нечаси билан суҳбатлашишга муяссар бўлдик. Бир оздан сўнг фаоллар билан учрашув ташкиллаштирилганлигини айтиб қолишди.

— Коллеждаги бошланғич ташкилотимиз иши яхши ташкил қилинганлигига ўзингиз гувоҳ бўлинг дегандим, — деди ҳамроҳим Н. Қиличев. — Бугун "Ёшлар қаноти" фаолларининг ташаббуси билан "Биз — миллат келажаги" мавзуида давра суҳбати уюштирганмиз.

Тадбир давомида кўпроқ ёшларни кузатдим. Уларнинг фикрлари, ўй-хаёллари билан қизиқдим. Кўпчилик талабалар ўзларини қизиқтирган саволларни бериб, бирин-кетин жавоб олишди. Хуллас, йиғилиш кўтаринки кайфиятда, жонли руҳда ўтди. Айниқса, ёшларнинг таклифлари ўринли бўлди.

— Бундай жонли мулоқотлар бизнинг сиёсий билимимиз мустаҳкамланиб боришида жуда катта аҳамиятга эга бўлмоқда, — деди иқтидорли талабалардан бири Илҳом Жўраев. — Буни кўпчилик тенгдошларимизнинг қизиқиб саволлар беришаётганидан ҳам сезиш қийин эмас. Янги ўқув йилида ҳам зиёлилар партиясининг миллат жонкуярлари бўлган фаоллари билан учрашувлар ташкил қилишни режалаштириб қўйдик.

Шу куни гувоҳ бўлганимиздек, партиянинг қуйи бўғинларида ҳам ёшлар билан ишлаш ижобий томонга ўзгариб бораётир. Бу келажакда янада самарали натижалар беради, албатта.

Бахтиёр ТЕМУР,
"Миллий тикланиш" мухбири.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Гулистон шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Баркамол авлод — келажагимиз пойдевори» мавзуида йиғилиш ўтказилди.

* * *

Партиянинг Денов туман кенгаши томонидан «Тадбиркорлар — юрт таянчи» мавзуида тадбир ташкил этилди.

* * *

ЎзМТДП Чимбой туман кенгаши ташаббуси билан «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

Партиянинг Ангрен шаҳар кенгаши томонидан «Ёз — ўтмоқда соз» мавзуида кўргазма ташкил этилди.

* * *

ЎзМТДП Хазорасп туман кенгаши ташаббуси билан «Биз диний экстремизмга қаршимиз» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Қизириқ туман кенгаши ташаббуси билан «Юксак маънавиятли юртнинг келажаги буюкдир» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

ЎзМТДП Қамаши туман кенгаши томонидан «Аёлни қадрлаш оилани, Ватанни, ҳаётни қадрлашдир» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

* * *

Партиянинг Навоий вилоят кенгаши ташаббуси билан «Аёллар ўртасида иш ўринларини ташкил қилиш мақсадида тикувчилик, пазандачилик ва компьютер сабоқлари ўқув марказларини яратиш ва уларни иш билан таъминлаш» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Денов туман кенгаши томонидан «Тиббиётдаги ислоҳотлар» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.

Мулоҳаза

ТАДБИРКОРЛИК ҲАЛОЛЛИККА АСОСЛАНИШИ КЕРАК

Юртимиз тобора гўзаллашиб, обод бўлиб бормоқда. Одамлар ҳаракатида эмин-эркинлик. Атрофга назар ташласангиз, кўз ҳам, дил ҳам қувонади. Ёшлар мамлакат тақдирини ўйлаб, илм-фан чўққиларини эгаллаш билан банд. Ишлаб чиқариш корхоналари-ю фермер хўжаликларида меҳнат жўшқинлиги мавж урмоқда. Олимларимиз илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришда жиддий бош қотиришяпти. Мақсад давлатимизни ҳар жиҳатдан ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш баробарида аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришдир. Бунинг учун эса бизда барча имкониятлар мавжуд.

Кейинги йилларда юртимизда қабул қилинган қатор қонунлар нафақат демократик тамойилларни мустаҳкамлашга, балки келажагимизни таъмин этувчи барқарор ҳаётни қуришга шарт-шароитлар яратиб берди. Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида янгича муносабатлар ҳам шаклландики, унга кўра, тижорий ҳаракатларимиз бирмунча маълум бир тартибга солинди. Хўш, бундан ким қандай фойдаланаяпти? Бундай шароитда фаолиятимизни қайси йўналишларда олиб борсак, барчамизга манзур бўлиши мумкин?

Аввало, шуни айтиш керакки, ҳар бир ишни миллий хусусиятлардан келиб чиқиб бошлаш зарурга ўхшайди. Нега? «Миллий хусусият»га урғу бераётганимизнинг сабаби шуки, ота-боболаримиз қадим-қадимдан бирор-бир тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлсалар, ҳар қандай масаланинг икки жиҳатига алоҳида эътибор беришган. Чунончи, ҳар бир фаолият ҳалолликка асосланиши зарур. Иккинчидан, ундан келаётган фойда нафақат ўзига, балки ўзи яшаб турган жамиятга ҳам, давлатга ҳам наф келтирмоғи шарт бўлган. Бундай мисолларни ўтмишдан кўплаб келтириш мумкин. Лекин ҳозир гап бошқа масала устида бораяптики, уни муҳокама қилишнинг вақти етди, деб ўйлаймиз.

Мамлакат тақдирига бефарқ бўлиб яшаётган кимсалар бор бўлса, уларни шу жамиятнинг кушандалари деб ҳисобласак, хато қилмаган бўламиз. Негаки, улар давлат кафолатлаб берган барча қонуний ҳуқуқлардан унумли фойдаланишади-ю, аммо жамиятга наф келтиришни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Фақат бугина эмас. Пул топишнинг осон йўлини излаб, савоб иш қилишни унутиб қўядилар, фақат ўзларини ўйлайдилар. Бундайларни кўриб, виждонини роса ёғ босиб кетган эканда, деган хаёлга борасиз беихтиёр.

Ҳозир тадбиркорликка жуда катта эътибор берилаяпти. Ҳукуматимиз томонидан соҳа иқтисодиётнинг устувор йўналиши деб эътироф этилди. Бу борада Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари ҳам қабул қилинган. Банк томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш кенг йўлга қўйилган. Чет эл сармояларидан унумли фойдаланиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Буларнинг барига давлатнинг ўзи кафолат бўлаяпти.

Аммо шуни таассуф билан айтиш лозимки, бундан ўз манфаати йўлида ҳар ким турлича фойдаланишни ўрганиб олган кўринади. Айримлар тезда бойиб кетишни исташса, баъзилар «соддалик» қиёфасига кириб, машаққатларни четлаб ўтишга ҳаракат қилишяпти. Бундай «тадбиркорлар» на давлат бюджетига улуш қўшади ва на солиқ идорасига даромади ҳисобидан маблағ ўтказади.

Дарвоқе, масалага ойдинлик киритиш осонмас. Ноқулайлик шундаки, ҳеч ким ўзини ўзи «фош» қилишга уринмайди. Бундан кўзда тутилган мақсад — ҳар қандай ғавғодан йироқ бўлиш, яъни ҳеч кимга ҳисоб бермаслик, зиммасига ҳеч қандай масъулиятни олмаслик. Энг асосийси, бундайлар олинаётган фойда ҳисобидан солиқ тўламайдилар.

Табиийки, мамлакатимизда аҳоли сонининг ошиб бораётганлиги сабабли турар-жойга бўлган эҳтиёж ҳам тобора ўсиб бораяпти. Қайси шаҳару қишлоқларни, маҳалла-ю гўзарларни айланманг, албатта, ҳашаматли ҳовлилар қурилаётганлигига гувоҳ бўласиз. Буларнинг бари юртимизда тинчлик, осойишталик ҳукмронлигидандир.

(Давоми 2-бетда).

Партия ҳаёти

АЪЗОЛАР САФИ КЕНГАЙДИ

Қумқўрғон агросаноат касб-ҳунар коллежи уч йил аввал иш бошлаган эди. Билим даргоҳининг биринчи битирувчилари яқинда мустақил ҳаётга йўлланма олишди. Шу муносабат билан «Ассалом, келажак — улуғвор Ватан» номли тадбир уюштирилди.

Тантанали йиғилишда партиямиз фаоллари ҳам иштирок этишди. Уни коллеж директори Абдурасул Эсонов очди. Шундан сўнг илк қалдирғочларни туман ҳокимининг ўринбосари Бозор Янгибоев табриклади. Битирувчиларга мутахассисликлари бўйича дипломлар берилди.

ЎзМТДП туман кенгаши ёшларнинг 21 нафарига партияга аъзолик билетлари топширилди.

Жуманазар АНОРОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Сурхондарё вилоят «Юксак парвоз» нодавлат нотижорат ташкилоти ёшлар маркази ЎзМТДП вилоят ва Термиз шаҳар кенгашлари, «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши ва бошқа бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда Шеробод туманидаги «Сурхон» болалар оромгоҳида давлатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан «Бу байрам барчамизники — бутун халқимизники» мавзуида тадбир ўтказди.

БОЛАЛАР ОРОМГОҲИДА

Шу куни оромгоҳда дам олаётган болажонлар ўртасида «Ватан мадҳи» мавзуида шеър ва қўшиқлар танлови ҳам бўлиб ўтди. Бундан ташқари, «Юртим жамоли» мавзуида асфальтга расм чизиш, «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуида иншолар кўрик-танлови, «Камолот дарси» ҳамда қизиқарли спорт мусобақалари ташкиллаштирилди.

Танловда болажонлардан Б. Қувондиқов, С. Файзуллаева, У. Юсупова, Н. Қулсоатова, А. Абдужабборовлар ғолиб деб топилдилар. Уларга ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Газетамизга 2007 йилнинг келгуси ойлари учун обуна давом этаётганлигини эслатиб ўтамиз.

Депутатларимиз

САВОБЛИ ИШНИНГ АЙТИЛМАЙ ҚИЛИНГАНИ ЯХШИ

Суҳбатдошимиз ҳақида икки оғиз сўз: Ҳанифа ЗОКИРОВА Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Қуйи Чирчиқ туман газетасида мухбир, муҳаррир ўринбосари вазифаларида ишлаган. Кейин туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, туман газетаси муҳаррири сифатида фаолият кўрсатган. Айни пайтда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ахборот-матбуот марказини бошқармоқда. Шунингдек, Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши депутати ҳисобланади.

— Вилоят кенгаши депутатлик гуруҳи билан ҳамкорликда қандай ишларни амалга оширишни режалаштиргансиз?

— Депутатлик гуруҳининг ўз иш режаси бор. Унга асосан бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Ўз режаларимга келсак, бу ҳақда гапирганимизда ўтган йилнинг ёзида бўлган бир воқеа эсимга тушди. Ўшанда Қуйи Чирчиқ туманининг Жагбир қишлоғидан бир гуруҳ онахонлар Зангиотага зиёратга боришни ташкил этиш масаласида ёрдам сўраб келишганди. Уларга баҳолиқудрат ёрдам бердик. Онахонлар дуо қилишди, ишларимизга ривож тилашди.

Зангиота туманидаги тарбия муассасасида, пойтахтимиздаги Аёллар ахлоқни тузатиш колониясида иш юзасидан кўп марта бўлганман. Бу жойларда ҳам маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб, аёлларнинг жамиятимизга соғлом фикр билан қайтишларига ёрдам беришга ҳаракат қиляпмиз. Ўйлайманки, оз бўлса-да, қайсидир замондошимизга ёрдамимиз тегса, бу — бизнинг ютуғимиз.

Савобли ишнинг айтилмай қилингани яхши. Кўпгина партиядошларимиз қаторида шу ақидага амал қилгим келади. Яқинда Янгийўл туманидаги Халқобод қишлоғида истиқомат қилувчи Мастура Холиқованинг хонадонида бўлиб қайтдик. Уни ўйлантирган масаланинг ижобий ҳал этилишига ёрдам бердик. Бу каби ишлар кунда бўлмаса кун ора учраб туради. Баҳолиқудрат кўмак бериб, кимнингдир оғирини енгил қилсак, бир хайрли юмушга бош қўшганимиздан дилда қониқиш, янаги эзгу тадбирларга ички бир мадад пайдо бўлади дилимизда.

— Иш дастурингиз ҳақида ҳам сўзлаб бersангиз.

— Депутатлик дастурим ҳақида гапирадиган бўлсам, сайловчиларнинг таклифларини инобатга олиб иш тутиш, партия аъзолари сафини кенгайтиришга ҳисса қўшиш каби бир қанча режаларни белгилаб фаолиятимни бошлагандим. Ўйлайманки, энг муҳими, бу — сайловчилар билан доимий мулоқот! Сайловгача Қуйи Чирчиқ тумани Қўрғонча қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи залида аҳоли билан учрашув ташкил қилгандик. Шу куни йиғилганларни дастурим билан таништириб, уларни қайси муаммолар ўйлантиришини ҳисобга олган ҳолда келгуси режаларимни белгилаб олдим. Ҳозир озми-кўпми уларни амалга оширишга интилаяпман.

— Кўпинча қутлуғ саналарда бажарилган ишлар чўтга солинади, таҳлил қилинади. Ўзининг мучал ёшини нишонлаган партиямизнинг бир вакили сифатида ишларимизни янада жонлантириш учун нималарга эътибор бериш керак деб ўйлайсиз?

— Партия ишини янада жонлантириш учун аҳоли ўртасида кўпроқ учрашув ва мулоқотлар ўтказиш, жойларга, айниқса, чекка туман ва қишлоқларга чиқишларни кўпроқ ташкил этиш фойдали самара беради, назаримда. Буни тажрибамиз ҳам исботлаб турибди. Давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар давомида ўтган юзма-юз учрашувларда юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазалари билан танишиш имконияти туғилади. Кўпинча муаммо ўша жойнинг ўзида ҳал этилади. Бу эса ишларимизга, олиб бораётган фаолиятимизга одамларнинг ишончини орттиради. Сафдошларимизнинг ҳар бири бу йўлда фидойилик ва ватанпарварлик туйғулари билан иш кўришларини истардим.

— "Миллий тикланиш"чилар сафига кирганингизга анча бўлгандир...

— 2005 йилда партия сафига кирганман. Миллат зиёлиларига, турли соҳаларда фаолият юритаётган партиядошларимизнинг ибратли ишларига ҳавас қилиб, улар қаторида туришни ният қилгандим. Вилоят кенгаши депутатлигига сайлангач, менга билдирилган ишончни оқлаш мақсадида янги режалар туздим, партия ишига масъулиятим янада ортди.

— Партиядошларга тилакларингиз.

— Уларга келгуси ишларида омад ва энг муҳими, соғлик-саломатлик тилайман. Миллат зиёлиларининг йўли доимо ўз исмига монанд нурли бўлаверсин!

Гулбаҳор ОРТИҚҲЎЖАЕВА суҳбатлашди.

ТАДБИРКОРЛИК ҲАЛОЛЛИККА АСОСЛАНИШИ КЕРАК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бироқ, ишнинг «кўзини» биладиганлар қулай ерлардан ўзларига жой ажратиб олишаяпти. Тўғри, уларнинг қўлларида олди-сотди тўғрисида қонуний ҳужжатлар мавжуд. Аммо бундай «чаққонлар» бир эмас, бир неча жойдан ер олишади. Яқин-яқингача шаҳар ҳудудида ҳовли қуришни мўлжаллаган киши ҳар сотих ер учун унча кўп пул тўламас эди. Шу кунларда шаҳар ичидаги бир сотих ер «қора» бозорда бир неча минг АҚШ доллари деб баҳоланаяпти. Бу гаплар эртакка ўхшайди гўё.

Бой бўлишнинг нимаси ёмон дейишингиз мумкин, лекин бир оилага бунча ер нимага керак? Гап шундаки, улар уй қуриб сотувчилардир.

Кейинги пайтда яна бир тоифадаги «тадбиркорлик» вужудга келганки, улар ҳақида ҳам гапириб ўтиш ўринли деб ўйлаймиз. Бундай «чаққонлар» ҳам юқоридаги сафдошларидан асло орқада қолишмайди. Улар тўйхоналар қуриш билан машғулдирлар.

Эҳтимол, улар бино ҳудуди ва хизматларга солиқ тўлашар. Аммо ҳар кунги даромаддан тўйхона эгалари қанча солиқ тўлаяптими?

Шу ўринда Японияннинг урушдан кейинги даврини эслашни лозим топдик. Катта талофат кўрган мамлакат ўзининг барча молиявий заҳираларини саноатга, янги-янги иш ўринларини яратишга, дунёдаги энг илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилишга сафарбар этади. Кўриб турибсизки, бугунги кунда кунчиқар мамлакати жаҳоннинг етакчи давлатлари қаторида турибди. Бунда аҳоли турмуш даражасининг юксалганини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш керак.

Хўш, ўзимизга ҳам, жамиятимизга ҳам кўпроқ нафимиз тегиши учун нима қилиш керак? Албатта, ошиқча маблағларни ишлаб чиқаришга, республикамиз тараққиётига хизмат қиладиган корхоналарни қуришга йўналтириш лозим. Шунда аҳолининг ишсиз қатламларини бунёдкорликка жалб этамиз. Бу билан отаболаларимиз анъаналарига содиқ қолиб, савоб ишларга қўл урган бўламиз. Элнинг бойиши эса мамлакат қудратини беқиёс даражада оширади, бунга шубҳа йўқ.

Муродулла ҒАФУРОВ.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Нурота туманидаги "Қизилча" ширкат хўжалиги ҳудуди бир томони тоғликлар, бир томони даштликлар оша Айдаркўлга туташиб кетган, шу боис ўзига хос табиатга эга. Жамоа аҳолиси, асосан чорвачилик билан шуғулланади. Хўжаликдаги 98 оила пудрати чўпонлари бу йил 18057 қўйдан 16251 қўзи, 2000 дона сифатли тери олиб, қўзилатиш мавсумини самарали якунлашди.

Ширкат – маърифат ҳомийси

Ўтган йилда 79 миллион сўм соф фойда кўрилди. Яқинда паррандачиликни ривожлантириш мақсадида юзта ўрдак келтирилиб, ўрдакчилик йўлга қўйилди. Паррандалар сони йил охиригача 1000 бошга етказилиши режалаштирилган.

Ширкат хўжалиги аҳолини ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилиб келади. Ўтган йилда 4,5 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. Бугунги кунда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 25 километрлик қувур ётқизиляпти. Бунда албатта, хўжалик раиси Тоир Адиловнинг хизмати катта.

Шунингдек, "Дилшод" ва "Бўтақўз" болалар боғчалари ҳамда 22-умумтаълим мактабига мунтазам равишда ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келинмоқда. Умид билан экилган ниҳол албатта, мева беради, дейди халқимиз. Бугун бу ўқув муассасаларида таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Масалан, 22-умумтаълим мактаби тумандаги "Ҳудудий методик хизмат кўрсатиш марказлари"дан бири бўлиб, кўпгина ўқув муассасаларига услубий ёрдам бериб келади. Озода Шукурбоева, Бекзод Жумаев, Зулайҳо Мустафоева каби ўқувчилар тенгқурларига ҳар томонлама ўрнак кўрсатишаётир. Бу зиё масканида Нурота ижтимоий-иқтисодий коллежи филиали очилган бўлиб, жорий йилда 35 ўқувчи жисмоний тарбия ва бухгалтерия ҳисоби мутахассисликлари бўйича касб-ҳунар эгаси гувоҳномасини олди.

Бахтиёр ТЕМУР, "Миллий тикланиш" мухбири.

Мерос

Уба қишлоғининг «Кулолчи» маҳалласи олдидан ўтиб, Ҳамро Раҳимова номли кўчадан кетиб бораяпман. Бундан 35 йил олдин худди шу кўчадан юриб Ҳамро буви Раҳимованинг хонадонига боргандим. Ўша кун кечагидек эсимда. Йиллар ўтаверар экан, ёнимизда юрган одамлар ҳақида уларни йўқотиб қўйгач, ўйлар эканмиз. Самога қарайман, қуёш заррин нурларини сочиб турибди. Булутлар орасида Ҳамро бувининг Уба қишлоғи лойидан турли хил қўғирчоқлар ясаб турган нуроний сиймоси гавдалангандек бўлаверади.

ҲАМРО БУВИНИНГ ИЗДОШЛАРИ

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида бу йўллар тор, эгри-бугри, куннинг иссиғида чанг, ёғин-сочинли кунларда лой бўлиб ётарди. Ҳозир йўллар равон, янги бинолар қад ростлаган. Ҳамро бувининг эски ҳовлисидан эса ному нишон қолмаган экан, одамлардан суриштириб, излаб топиб бордим. Дарвозадан кириб борар эканман, «Бу ҳовлида собиқ иттифоқ халқ рассоми Ҳамро Раҳимова яшаган» — бу ёдгорлик Самарқанд кулолсоз усталари томонидан қўйилди» деб ёзилган тош битикка кўзим тушди. Ҳамро бувининг ўғли Жаббор ака билан суҳбатлашиш мақсадида келгандим бу ерга. Хонадон соҳиблари мени очиқ чеҳра билан кутиб олишди. Салом-аликдан кейин бир пиёла чой устида суҳбатимиз бошланди.

— Онам 1900 йилда Вобкент туманининг Ёвхона қишлоғида туғилган, — деб гап бошлади суҳбатдошим. — Онамнинг оталари Бозор бобо кўзга кўринган моҳир этикдўз бўлган экан. 1917 йилда онам Уба қишлоғидаги донгдор «читгар» (читга гул босувчи) Раҳим бобонинг ўғиллари — отам Ҳаким читгар ва тандирсозга турмушга чиққанлар. Онам келинчаклик пайтларида қўшнимиз, Убанинг таниқли қўғирчоқсози ва кулоли, устозлари Шамсия бувидан лойдан қўғирчоқ ясаш, сополни пишириш, турли рангларга бўяш ва уй-рўзғор буюмлари ясашнинг сир-асрорини ўрганадилар. Бобомнинг читга гул босувчи қолипларидан фойдаланиб, коса-товоқларга нақшинкор гуллар босиш усулларини ихтиро қиладилар. Буюмларни ўтин ёқиб, 900-1000 даража иссиқликда хумдонда пиширардилар. Отам иккаламиз онамга ёрдамлашардик.

Жаббор аканинг гапларини эшита туриб, бундан 35 йил аввал шу хонадонга келганимда Ҳамро бувининг ўзидан эшитганларим ёдимга тушади. Суҳбатдошимдан сопол буюмларни рангли сирлаш усуллари ҳақида сўрайман.

— Ёшликда онам билан бирга уй шароитида бўёқ тайёрлардик. Йиллар ўтиб сопол буюмларнинг қадри анча пасайиб кетди.

Аввалари сопол буюмда таом ейиш савоб, деган гапни кексалар ёшларга тез-тез айтиб турганиданми, сополнинг харидори кўп эди. Ҳар бир хонадонда сопол идиш-товоқлар бўларди. Чинни буюмларга талаб ортди. Ҳозир биз сополдан гулларга тувак ясаймиз, холос. Устозларимиз «ясаган буюмингга баҳо қўйма», деган гапни кўп такрорлашар ва бу ақидага ўзлари ҳам амал қилишарди. Бешиклар учун ясалган сопол тувакларни бепул беришимиз ҳам шундан. Кулолчилик убаликларга отамерос касбдир. Онам менга қўл бериб, белимни боғлаб, халққа ош берганларида: «Ўғлим, чорасизлардан пул олма, қўлингдан хайру барака аримасин, ясаган буюмингдан совға қилиб одамларга улашиб тур», — деганлар. Мен ҳам, бошқа убалик кулоллар ҳам бу удумга амал қиламиз, — деди Жаббор ака хаёлга толиб.

Ўтмишда убаликлар ясаган кулолчилик буюмлари чет элга ҳам чиқарилган экан. Улар ясаган катта-катта хумларда 400-500 килограммгача ғалла, дон-дун сақланган. Хумда сақланган дон маҳсулотларига мита тушмаган. Ёзнинг иссиқ кунларида тош кўзаларда сақланган сув салқинлигини йўқотмаган, муздеккина бўлган. Гўшт маҳсулотларини тузланиб, чувот (илма-тешик) хум ва мўндиларга солиб қўйилган. Бундай буюмларда гўшт узоқ вақт яхши сақланган. Тош тоғоралар, қилча, ғўлба ва бошқа тошдан ясалган буюмлар ҳам рўзғор буюми сифатида қадрланган.

Ҳамро Раҳимова 1970 йилда собиқ иттифоқ рассомлар уюшмаси аъзоси бўлган. Бу қўли гул аёл ҳалол меҳнати, ҳунари туфайли медаллар ва фахрий ёрлиқлар олишга муваффақ бўлган. У ясаган сопол буюмлар бир неча марта кўргазмаларга қўйилган. Улар Германия, Франция, Испания, Япония ва бошқа бир қанча мамлакатлардан келган санъат ихлосмандларининг диққатини тортган, ҳозир хориждаги музейларда сақланмоқда. Ўзбек аёлини жаҳонга машҳур қилган ҳунар бугун унинг авлодларига мерос қолгани, Ҳамро бувининг фарзандлари, невара-чеваралари кулолчилик анъанасини давом эттириб келаётганлари қувонарлидир. Ҳамро бувининг умр йўлдоши Ҳаким бобо 1971 йилда, ўзлари эса 1979 йилда оламдан ўтганлар. Бугун уларнинг 25 нафар невара, 30 га яқин чеваралари бор. Жаббор аканинг невараси Аброржон яқинда ўз ишлари билан Бухоро вилояти миқёсида ўтказилган кўрик-танловда қатнашиб, фахрли биринчи ўринни эгаллаганини эшитдик.

1992 йилда Уба қишлоғи Вобкент шаҳри ҳудудига қўшилиб, «Кулолчи» маҳалласи деб номланди. Ҳамро бувининг вафотидан кейин уларнинг хонадони жойлашган кўчага Ҳамро Раҳимова номи берилди. Ҳозирда Вобкентдаги кўпгина мактаблар, лицей ва коллежларда Ҳамро бувининг ишларидан намуналар қўйилган кўргазмалар ташкил этилган, кулолчилик тўгараклари фаолият юритмоқда.

Яхшидан боғ қолади, деган нақл бор. Ҳамро Раҳимовадек ҳунарли кишиларнинг издошлари бор экан, миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз, ҳунармандчилигимиз авлоддан-авлодга мерос қолаверади.

Қадр БАРНОЕВ.

Ўша куни Асака қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи битирувчиларига диплом топшириш маросими байрамга айланиб кетди. Илм ва касб-ҳунар эгаллаб, қўлига ҳужжат олган битирувчилар шодлигининг чеки йўқ. Уларнинг қувончлари устоз-мураббийлари, ота-оналарига ҳам кўчган. Ўғил-қизларининг шундай саодатли онларга етганидан ҳамма мамнун.

Аслида бундай тантана ёшлар қалбида бир умр мухрланиб қолса, уларни катта ҳаётга кузатиб қолаётган педагогик жамоанинг ўзида ҳам ёркин из қолдиради. Ахир, бунинг учун улар кам меҳнат қилишдими? Юртбошимизнинг ёшларга бўлган беқиёс эътибори-ю ғамхўрликлари нафақат мамлакатимиз пойтахти, балки Асакадаги бу илм қошонаси каби чекка худудларда ҳам ўзининг амалий натижасини беряпти. Бунинг шарофати билан бутун Ўзбекистон илм ўчоғига айланди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ қурилган юзлаб академик лицей ва коллежлар ёшларнинг севимли билим масканлари қаторидан жой олди. Унинг илк меваси бўлмиш мазкур илм даргоҳи ҳам юртимизда биринчилардан бўлиб 1999 йили ишга туширилиб, ўғил-қизларга билим бериш ва касб-ҳунар ўргатишдек олижаноб мақсадлар учун хизмат қила бошлади.

АСАКАДА ТАЙЁРЛАНГАН МУТАХАССИСЛАР

юртимиз истиқболига хизмат қилмоқда

Қишлоқ хўжалиги йўналишига ихтисослашган мазкур коллежнинг шу йиллар ичида эришган ютуқлари, амалга оширган ишлари ҳар қандай одамни мамнун этмай қолмайди. Халқ таълими аълочиси Шавкатбек Маматкаримов унга саккиз йилдан буён раҳбарлик қилиб келмоқда. Тажрибали директор шу давр ичида жамоа ютуқларини бойитди. Ўқитувчи ва мураббийлар ўртасида ҳамжиҳатликни қарор топтириб, уларни кўзланган мақсад сари йўналтиришга муваффақ бўлди. Шу билан бирга, маҳаллий ёшларнинг ўз коллежларига нисбатан қизиқишларини ошириш учун тинимсиз ишлади, изланди. Бу саъй-ҳаракатлар ўз мевасини берди. Ўтган йиллар ичида 700 нафарга яқин ўғил-қиз мазкур ўқув даргоҳини битириб, қишлоқ хўжалиги мутахассиси бўлиб етишишди. Биргина шу йилнинг ўзида 139 нафар ўқувчи ўқув масканини муваффақиятли битиришга эришди. Ватанимиз истиқлолининг 16 йиллик байрами арафасида рўй берган бу қувончли воқеа кўпчиликни мамнун этди.

— Истиқлол неъматларидан баҳраманд бўлиб, касб-ҳунар эгаллаётган ўғил-қизларимизнинг бугунги камоли кимни қувонтирмайди дейсиз? Уларнинг ихтиёрига бериб қўйилган илм қошоналари бир қувончингизга ўн қувонч қўшса, янги ҳаёт остонасига қўяётган қадамлари шодликларингизни бундан-да оширади, — дейди Шавкатбек Маматкаримов. — Қўлларидаги дипломни кўриб, фарзандингизнинг шундай кунларга етганига шукроналар айтасиз. Уни ёркин келажак, порлоқ истиқбол кутаётгани шунчаки қуруқ гап эмас, аксинча, ҳаётий ҳақиқат эканлигига комил ишонч ҳосил қиласиз.

Боланинг бахтиёрлик онларини таърифлашга баъзан сўз ожизлик қилади. Ахир, унинг бахтиёр, шодумон кунларини сизу биз қанчалик орзиқиб кутганмиз. Тетапоя бўлганида бирга қувониб, бирга кулганмиз. Илк бор ҳарфни таниб, қўлига китоб тутганида, бахтингни берсин, болажоним, дея дуо айлаганмиз. Ўсаётган орзу-ҳаваслари билан бирга қандай улғайиб, мактабни тугатгани-ю коллежга бориб қолганини эса сезмай ҳам қолганмиз. Энди у ўзининг кимлигини, томирида улуғ бобокалонларимизнинг қони жўш уришини, шу муқаддас замин, Ўзбекистон дея аталмиш она-Ватанимизнинг қадрига етиш туйғусини яхши ҳис этади. Нафақат ҳис этади, балки уни бутун қалби, дил меҳри ила севади. Ана шу туйғу билан улар бугун эл ишига чоғланишмоқда. Орзу қилган касбларининг моҳир мутахассиси бўлиб юртга хизмат қилишдек иштиёқ билан яшашаяпти.

Шавкатбек аканинг айтганича бор. Ахир, бизнинг дориломон замонамизда ёшлар камоли юртимиз жамолига айланган. Ҳар бирининг орзу-интилишлари бизга рағбат бағишлайди. Коллеж жамоаси эришган ютуқлар ҳам шундан далолат бериб турибди. Ўқув юртини битирган ўғил-қизларнинг кўпчилиги ҳозир ишлаб чиқариш соҳаларида фаол меҳнат қилишмоқда. Уларнинг ҳаётдан муносиб ўрин эгаллаганликлари жамоа меҳнатининг самараси эмасми? Ҳа, шундай. Коллежда таълим олиб, автотранспортда юк ташишни ташкил қилиш ва ҳаракатни тартибга солиш йўналишини куни кеча тамомлаган 42 нафар битирувчининг 22 нафари «ЎзДЭУАвто» қўшма корхонасига ишга жойлашди. Республикамиз иқтисодиётининг машъали бўлмиш бундай нуфузли корхонада ишлашга муносиб деб топилган бу ёшлар эртага ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан юртимиз номини янги шон-шуҳратга буркаса ажаб эмас.

— Мен коллежимиз, жамоамиз билан фахрланаман, — дейди илм даргоҳида махсус фанлар бўйича ўқитувчи бўлиб ишлаётган Манзурахон Сойипова. — Ўғлим Хурсандбек 2005 йили ўқув даргоҳимизни битириб, «ЎзДЭУ-Авто»га ишга кирган эди. Унга ҳаваси келган кичкинтойимиз Хуршидбек ҳам акасининг йўлини танлади. Коллежимизга ўқишга келди. Ҳозир иккинчи босқични битириб, акаси ишлаётган корхонада амалиёт ўтамоқда.

Ҳа, бугун ўз фарзандларининг камолидан мамнун бўлган ота-оналар қувончининг чеки йўқ. Жумладан, асакалик фермер Шамсиддин Мамажоновни олайлик. Унинг ўғли Сардор коллежнинг қишлоқ хўжалик машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш йўналишини битириб, отасининг ёнига келди. Иш юритувчи бўлиб ишлаб, фермер хўжалигининг ишларини жойига қўйди. «Асака қадри» фермер хўжалигининг бошлиғи Исмоил аканинг ўғли Одилжон ҳам ўтган йили шу коллежни тугаллаб, отаси билан елкама-елка ишламоқда.

Коллежнинг махсус фанлар бўйича ўқитувчиси Ҳамидулла Яҳёевнинг ҳаёти ҳам шундай. Ўзи ўқиган илм масканига бўлган чексиз меҳр-муҳаббати уни шу ерга бошлаб келди. Фарғона Давлат университетини тугаллаб, устозлари сафидан жой олди. Изланувчан ёш педагог ёшларга қунт билан сабоқ беришга киришди ва тез орада уларнинг меҳрини қозонди.

— Замонавий ўқув корпуси, амалиёт устахоналари, спорт зали ва майдончаларига, 80 ўринли қироатхона ҳамда ахборот ресурс марказига, 100 ўринли ошхона, 150 ўринли анжуманлар залига эгамиз, — дейди Шавкатбек Маматкаримов. — Шунингдек, автомобиль ва қишлоқ хўжалик техникаларини бошқариш, малакасини ошириш учун 2 та «Дамас», биттадан «Матиз», «Отайўл», «ГАЗ-52», «Москвич-441» енгил ва юк машиналари, «Nissan» микроавтобуси ва 5 та замонавий ҳайдов тракторлари ҳамда автодром ёшларимиз ихтиёрида. Ўз навбатида қатор замонавий фан кабинетлари, энг сўнгги русумдаги компьютерлар билан жиҳозланган синфлар, лаборатория хоналари, қатор устахоналар ҳам улар истиқболига хизмат қилмоқда. Янги ўқув йилида қишлоқ хўжалик машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш; агрономия; автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш; бухгалтерия иши; тикувчилик ишлаб чиқариши каби йўналишлар бўйича ўқувчилар қабул қилаяпмиз. Бир сўз билан айтганда, кўпчилик бизда ўқишни орзу қилади. Чунки шарт-шароитларимизга уларнинг ҳаваси келади.

Коллежимизда халқ университетлари Олмон уюшмаси Халқаро алоқалар институтининг «Ўзбекистонда иш билан банд бўлмаган аҳолини касбга ўқитиш бўйича касб-ҳунар коллежлари инфраструктураси ва имкониятларини яхшилашга кўмак лойиҳаси»га мувофиқ иш олиб бориб, тикувчилик ва электрогазпайвандлаш мутахассисликлари бўйича ўзида ўн нафардан иборат ўқувчини бирлаштирган иккита гуруҳ очилди. Шу билан биргаликда, бизда Японияннинг уч миллион АҚШ доллари қийматида 52 турдаги беғараз ёрдам сифатида берилган энг сўнгги замонавий воситалар, ўқув жиҳозлари билан таъминланган «Малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази» ишлаб турибди. Унда Фарғона водийсидаги илм муассасаларида қишлоқ хўжалик машиналари ва автотранспорт йўналишлари бўйича ишлаётган муҳандис-педагоглар ҳамда ишлаб чиқариш усталари ўз малакаларини оширишмоқда.

Изланувчан, янгиликка ўч жамоа бундан уч йил аввал бюджетдан ташқари маблағлар топишни ҳам йўлга қўйди. Ундан тушган маблағлар ўқув-тарбия ишларини чуқурлаштиришга, жамоани рағбатлантиришга, ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга сарфланмоқда.

Ўзига 80 нафардан зиёд мутахассисни бирлаштирган коллежда бўлиб, жамоада амалга оширилган ишлар билан танишар эканмиз, уни Асаканинг жавоҳирига ўхшатгимиз келди. Чунки бу илм маскани, халқимиз учун ҳеч қандай жавоҳирдан қолишмайдиган энг катта бойлик эмасми?

Коллежга бугун кўпчиликнинг ҳаваси келади. Ютуқ ва тажрибаларини ўрганганги мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан мутахассислар тез-тез ташриф буюриб туришади. Шунинг учун ҳам ҳозир ўқув маскани негизида минтақавий малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази иш олиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, бу даргоҳда мамлакатимизга салоҳиятли мутахассислар етказиб беришда ўзига хос мактаб яратилаяпти.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

СУРАТЛАРДА: коллеж фаолиятидан лавҳалар. Ⓡ

Ибрат

ҚАРШИДА ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ МАРКАЗИ

Жонажон ва мукаррам Ватанимиз жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшган азиз диёрлардан биридир. Буни инсоният маданияти тарихидаги кўпгина ашёвий далиллар исботлаб турибди. Чунончи, дунёдаги энг қадимги қадамжолардан бири ҳисобланган Қарши шаҳри марказида жойлашган кўҳна археологик ёдгорликларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Айни пайтда бу ерда халқ қадриятини келгуси авлодларга тўла етказиш учун қатор хайрли тадбирлар ўтказилаётирки, ҳеч кимдан кам бўлмасликни ўз олдиларига мақсад қилиб олган ёшларимиз асл маънавиятимиз сарчашмаларидан баҳраманд бўлишяпти.

Ўзликни англаш марказининг айнан шаҳардаги тарихий Одина мажмуасида ташкил қилинишида ҳам рамзий маъно бор. Чунки, бундан олти аср муқаддам қад ростлаган ушбу иншоот фақат эзгу амалларга хизмат қилиб келган. Айтишларича, 1384-1385 йилларда соҳибқирон Амир Темур томонидан бунёд этилган Жомеъ масжиди аҳолининг маънавий ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Уни махсус шарқона меъморчилик асосида барпо этишган. Миллийлик анъаналари уйғунлашган бино ниҳоятда ҳашаматли бўлиб, у Одина мажмуининг бир бутунлигига жуда мос тушган. Бу ерга яхши ният ила ташриф буюриб, руҳий қувват олиш илинжида юрганлар борки, улар ор-номус, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларига дахлдор бўлганлар.

Шунинг учун бўлса керакки, шўролар даврида ўзлигимиздан мосуво қилиш мақсадида, мазкур мажмуа боши узра ҳам қатағонлик қиличи силтанди. Дастлаб XIX асрдаёқ чор истилочилари томонидан тўпга тутилган масжид биноси аёвсиз вайрон қилинган эди. Такрорланмас услубда қурилган гумбаз ва миноралар бузиб ташланди. Уларнинг қолдиқлари 1914 йилгача сақланиб турган. Маълум бир муддат тинчлик ўрнатилгач, Бухоро амири Саид Олимхон томонидан бу мажмуада таъмирлаш ишлари давом эттирилди. Бироқ хайрли ишни охирига етказиш имкони бўлмади. Кўп ўтмай, юртимизга босқинчиликнинг иккинчи даври, яъни «қизиллар» юриши бошланди. Улар ҳокимият тепасига келгач, халқ бошига тушган қора кунлар барчамизга маълум. Сиёсий тузумга ҳеч кандай алоқаси бўлмаган бинолар ҳам эскилик «сарқитлари» сифатида яксон қилинди ёки улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш авж олди. Хусусан, биз фикр юритаётган Одина мажмуасининг тақдири бунга ёрқин мисолдир.



Бу ҳақда узоқ гапириш мумкин, албатта. Аммо биргина мисол билан кифояланишни лозим топдик. Айтиш жоизки, ушбу муқаддас даргоҳ 1938 йилдан бошлаб сиёсий ва ашаддий жиноятчиларни қамаш учун махсус турмага айлантирилди. Азалдан маънавиятни юксалтиришга беминнат хизмат қилган кутлуғ мажмуа кейинчалик гуноҳкору бегуноҳлар сабрини синайдиган қийноқлар камераси сифатида фаолият юрита бошлади.

Эндиликда бу ерда қатор хайрли тадбирлар ўтказилаётирки, унда ўзлигимизни англаш имкони туғилди. Ҳуррият кўксимизга ғурур шабадасини олиб келди. Яна халқимизда аввалгидек бунёдкорлик шижоати жўш ура бошлади. Маърифат ва маънавият ўчоғи қайта чўғ олди. Ундан ҳарорат олган кимса борки, доимо бахтиёрлик нашидаси ила масрурлик туймоқда. Бундан ортиқ бахт борми, аслида?

— «Ўзликни англаш маркази»нинг асосий вазифаси шундан иборатки, — дейди мазкур маърифат дарғоҳи раҳбари, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори, Сенатор Муродулла Нормуродов, — ёшларда маънавий-маданий мерос ҳамда қадриятларга нисбатан юксак эҳтиром туйғуларини шакллантиришдир. Бунинг учун эса эзгу мақсад йўлида тинмай меҳнат қилаётирмиз. Ўтказилаётган тадбирлар шуни кўрсатмоқдаки, истиқлол ғояларини тарғиб қилишда равон йўлни танлаганмиз. Шунингдек, таълим-тарбия жараёнини айнан тарихий обидалар бағрида олиб бораётганлигимиз жуда яхши натижа бераётир. Бу ерда тўпланган қадимий экспонатлар, осори атиқалар, миллий ҳунармандчилик маҳсулотларидан намуналар ҳам ёшларимиз онгини сайқаллаштиришда қўл келмоқда. Бундан ташқари, марказимизда мавзулар йўналишига қараб, мумтоз мусиқалар асосида концертлар уюштирилиб турилади. Мақом кечалари ўтказилади. Фольклор-этнографик дасталари ўзларининг янги-янги дастурларини намойиш этишади. Ўзликни англаш, қадриятларни эъзозлаш, маънавий меросни авайлаб-асраш, миллий ғояларимизнинг ёшлар қалбида чуқур илдиз отмоғи учун маърифий-маданий руҳдаги жума оқшомларини ўтказиш ҳам фаолиятимизнинг асосий вазифаси доирасига киради. Муҳими, давра суҳбатлари, дебатлар меҳнатимизнинг нечоғли самарали кечаётганлигини кўрсатиб турибди. Айниқса, Қашқадарё воҳаси, Қарши шаҳри ва Одина мажмуасининг ўтмиши ҳамда бугуни тўғрисидаги ҳужжатли фильмлар намойиши, кинолавҳалар маърифий ишларимиз таъсирчанлигини янада оширмоқда.

Шуни алоҳида мамнуният ила қайд этиш лозимки, бу ерда Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг талабалар билан ўтказган давра суҳбати учрашув қатнашчиларини илҳомлантириб юборди. Чунки, Ватан тарихи ҳақидаги маълумотлар мустақиллигимиз ғояларига ҳамоҳанг бўлди. Бундай тадбирларни унутиб бўлмайди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг маънавият ва маърифат ишларига бевосита раҳбарлик қилаётган фалсафа кафедраси ўқитувчиларининг ҳам бу тадбирларда муносиб ҳиссалари бор. Шунингдек, талабаларнинг ўзлари ташкил қилаётган «Барҳаёт анъаналар» кўрик-фестивалларини ҳам диққатга сазовордир. Унда миллий урф-одатлар, байрамлар, диний маросимлар ва ҳайитлар аҳамиятининг қадриятларимизга нечоғли боғлиқ эканлигини англаб етиш унчалик қийин эмас.

Хуллас, келажак ворисларимизни ҳар жиҳатдан комил инсон бўлиб етишишлари учун мазкур марказда яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда ўзимиздаги бор салоҳият ва тажрибаларни ишга солаверамиз. Шайх Азизиддин Насафий ҳазратлари айтганларидек, инсоннинг вазифаси — узлуксиз маърифатга интилиш, руҳни нур билан тўлдириш ва илм топиб, мусаффолик сари интилишдир. Бинобарин, биз бу ўлитга оғишмай амал қилиб бораверамиз.

Эминжон ЮЛДОШЕВ,
«Миллий тикланиш» мухбири. ®

Китоб жавонингизга

Зайниддин Исамуҳамедов табаррук 90 ёшда. Ҳозир ҳам ғайрат-шижоатга тўла. Газета-журналларда у кишининг турли мавзулардаги мақолалари тез-тез босилиб туради. Улар ривояту ҳикоят, ҳадису мақолларга асосланиши, илмий далилларга бойлиги билан диққатни жалб этади. Муаллифнинг мулоҳазалари турмуш тажрибаси, кузатишлар ҳосиласи эканлиги билиниб туради. Айни шу жиҳати билан мақолалар кекса ёшдагилар учун ҳам, ёшлар учун ҳам фойдали бўла олади.

«ҲАЁТ – ДОРИЛФУНУН»

"Ҳаёт — дорилфунун" китобига жамланган мақолаларда ҳам отахоннинг тиниб-тинчимас кишиларга хос шижоати сезилади. "Ижтимоий ҳаёт мен учун дорилфунун бўлди. Унга завқ-шавқ билан ёндошдим. Ҳаётда сабр-қаноат билан ҳалол ва осойишта яшадим. Қуёш ботганда ётиб, қуёш билан бирга турдим. Яшашда фаол, меҳнатсевар ва ҳаракатчан бўлдим. Илк болалик чоғимдан бошлаб, етмиш йилдан кўпроқ вақт мобайнида хизмат қилдим. Меҳнат ва ҳаракат навқирон ёшликни узоқ вақт сақлаб қолишга самарали ёрдам берди. Ақл ва фикрлаш доирамни бу нарса янада кенгайтирди", деб ёзади у.

Отахон билганлари бекор кетмаслигини, улар бошқаларга ҳам озгина бўлса-да наф етказишини истайди. Унинг дунё донишмандлари, тарихий шахсларнинг ибратли фаолиятига бағишланган мақолалари, инсон одоби, соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги мулоҳазалари шундан далолат беради. Уларда мажлис, йиғинларга кириб борадиган одам эътиборини тортишдан завқланадиган кишиларга хос дадиллик, айни чоғда куюнчаклик кўриниб туради. Жумладан, у таъзия маросимлари тўғрисида мулоҳаза билдирар экан: "Аввало бу маросимларнинг тўй эмаслигини унутмайлик. Марҳум хотирланиб, савоби унга бахш этиладиган, Аллоҳ йўлига қилинадиган эҳсондир. Бундан бошқа мақсадлар кўзланса, у йиғин эгасига гуноҳдан бошқа нарса келтирмайди. Шунингдек, динимизда кун санаб, ҳар хил номлар бериб, мунтазам ўтказиб туриладиган маросим йўқ. Агар эҳсон қилинадиган бўлса, имкониятига қараб, йилнинг исталган вақтида оила даврасида ёки қариндош-уруғ, қўни-қўшни иштирокида ихчамгина ўтказиш зарур. Дабдаба ва исроф таъзия йиғини руҳига зиддир", дейди ва бунга Қуръони Карим, Ҳадиси шарифдан асослар келтиради. Шунинг учун отахоннинг мулоҳазалари шунчаки панду насиҳат эмас, куюнчак инсоннинг даъвати бўлиб туюлади. Катта турмуш тажрибасига эга муаллифнинг маънавий-ахлоқий муаммолар хусусидаги қарашлари унинг эҳтиросли тарғиботчи эканлигини ҳам билдириб туради.

Рисоладаги мақолалар муаллифнинг хотираси мустаҳкам, дунёқараши кенглигини ҳам намоён этади. У ўзи ўқиган китобларидаги далилларни бошқаларга ҳам етказишга интилади. Булар ёшларга ҳам, кексаларга ҳам бирдай керакли эканлиги билан диққатни тортади. Китобнинг "Инсон одоби билан гўзал", "Ҳаёт — дорилфунун", "Соғлом турмуш тарзи — узоқ умр гарови" бўлимларидаги мақолалар худди шундай салмоққа эга.

Улуғ рус шоири А.Пушкин "Биз ўз қилмишларимизни оқлаш учун сўз тополмаган вақтларимизда одоб — ахлоққа доир иборалар кўп фойдали бўлади", деганди. "Ҳаёт — дорилфунун" муаллифи ҳам одоб-ахлоққа доир мақолу ўгитлар, ҳадису ривоятларнинг ўрнини топиб қўллайди. Шунинг учун унинг панду насиҳатлари кишига малол келмайди.

Кексалар насиҳат қилишни, маслаҳат беришни хуш кўради. Ёшларга эса қарияларнинг ўгитлари, йўл-йўриқ кўрсатиши унчалик ёқавермайди. Қариялар буни пайқайди ва ранжийди. Аслида ёшларни ҳам айблаб бўлмайди. Чунки улар ҳам "оқ" ва "қора"ни ажрата олади. Нима яхшию нима ёмонлигини туппа-тузук фарқлайди. Қолаверса, ёшлар замона ўзгаришларини тезроқ илғайди. Фан-техника тараққиётини кексалардан кўра кўпроқ тушунади. Кўп қариялар буни тан олса ҳам, ҳеч ёшларга ён босгиси келмайди. Улар ёшларга ўз "гап"ини ўтказишни истайди. Рисоладаги мақолаларни мутолаа қилган киши зерикмайди. Чунки улар устознинг шунчаки ўгит-насиҳати эмас, балки ҳаётий мисолларга бой мулоҳазалардир. Отахоннинг куюнчаклиги кўнгилда илиқ таассурот уйғотади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун муаллифнинг мулоҳазалари билан танишиб чиқинг.

Улуғбек ДОЛИМОВ,
Абдулла УЛУҒОВ.



ЖИЗЗАХДА ЯНГИ КОРХОНА

Зарбдор туманидаги «Зарбдор элеватор»и очиқ акциядорлик жамияти қошида донни қайта ишлаш кичик корхонаси ишга туширилди. У Жиззах вилоятидаги энг кенжа корхоналардан биридир. Бир кечаю кундузда 50 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга. Туманда корхона иш бошлаши билан 60 нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Унинг маҳсулоти ҳам сифатли, ҳам нархи арзонлиги билан мижозларни хушнуд этмоқда.

Суратда: (ўртада) корхона бош мутахассиси Нурқосим Суюнов ишчилар Ботир Пўлатов, Қувондиқ Хушвақтов билан мулоқотда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ
олган сурат.

Долзарб мавзу

Солиқлар нафақат бюджет тушумининг асосий манбаи, балки бозор иқтисодиёти таркибининг асосий омили ҳисобланади. Фақат мукаммал солиқ тизимигина ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолияти, давлат бюджетини зарур миқдорда молиявий ресурслар билан таъминлаш ҳамда унинг самарадорлиги ошиши учун зарур бўлган маблағларни шакллантира олади.

СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Иқтисодий эркинлаштириш ва модернизацияга қаратилган мақсад ҳамда вазифаларнинг ижросини таъминлаш маъмурий усуллар билан эмас, балки ҳақиқий бозор механизмларини амалиётга жорий этиш орқали амалга оширилиши лозим. Ушбу жараёнда фойдаланадиган иқтисодий омиллар ичида солиқлар ва божлар муҳим аҳамият касб этиши, оптимал солиқ юкини иқтисодиётга татбиқ этиш ва улар орқали иқтисодиётни бошқариш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб келмоқда.

Аввал солиқ юки тўғрисида тўхталиб ўтсак. Нима учун у солиқ сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. "Солиқ юки" деганда, мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибидаги солиқлар миқдорининг ялпи ички маҳсулот миқдоридаги нисбати тушунилади. Унга бошқача таъриф бериш ҳам мумкин: давлат харажатларининг мамлакат ички маҳсулотига нисбати солиқ юки дейилади. Гарчи бу тарифлар бир-биридан шаклан бир оз фарқ қилса-да, улар моҳиятан бир нарсани, яъни солиқ юки мазмунини белгилайди. Солиқ юкини камайтириш бўйича ишлаб чиқарувчилардан бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар учун ундирилган солиқлар суммаси ялпи ички маҳсулот ва иқтисодий ривожланишнинг белгиланган суратларда оптимал равишда мувофиқлаштирилиши ҳисобига эришилади. Сабаби, солиқ сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири — давлат харажатларини ўз вақтида ва мўлжалланган ҳажмда молиялаштириш учун бюджет даромадларининг етарлилиги ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида солиқ юкини камайтириш борасидаги сиёсатни бюджетнинг харажатлар қисмини оптималлаштириш чоралари билан ҳамоҳанг тарзда олиб борилишини тақозо этади.

Одатда бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритаётган давлатларда солиқ юкини камайтиришнинг бир қанча синалган йўллари бор. Лекин бизнингча, уларнинг иккитаси асосий ҳисобланади. Улар солиқ ставкаларини пасайтириш ва солиққа тортиладиган базани камайтиришдан иборатдир. Мамлакатимизда ҳам ҳар йили солиқ юки изчил камайтириб борилмоқда. Бу ўз навбатида, солиқларнинг мамлакатда яратилаётган ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳам камайишига ижобий турки бўлмоқда. Юқоридаги фикрларимизнинг тасдиғи сифатида шуни айтиб ўтишимиз лозимки, барча тижорат асосида фаолият юритаётган корхоналар тўлайдиган ягона ижтимоий тўловда ҳам қатор йиллардан бери ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсати аввало халқнинг турмуш тарзини яхшилаш, унинг фаровонлигини оширишга қаратилган. Бу борада ҳар биримиз ўз масъулиятимизни унутмасак, солиқларни ўз вақтида тўласак, юртимиз ривожига ҳисса қўшган бўлар эдик.

А. ҲИКМАТОВ,
Тошкент молия институти талабаси.

Молия муассасаларида

ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

«Микрокредитбанк»нинг Бухоро вилоят бошқармасини мижозлар шундай аташади

Юртимиз истиқлолга эришганидан буён амалга оширилаётган ислоҳотлар бугунга келиб ўз самарасини бериш билан бирга, ҳар бир соҳада ўзгаришлар қилишни, янгича қарашларни шакллантиришни тақозо этмоқда. Бу ўринда молиявий муассасалар зиммасига долзарб вазифаларнинг юклатилаётганлиги уларнинг мамлакат халқ хўжалигида нечоғли муҳим ўринга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Шундай муассасалардан бири «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг Бухоро вилоят бошқармаси томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлар билан танишар эканмиз, бунга ишонч ҳосил қилдик.

Бухоро шаҳридаги «Грандтрикотаж» хусусий фирмаси 24 миллион сўмлик қийматдаги «Зингер» русумидаги тикув машиналарини банкдан лизинг асосида харид қилиб, минифабрика ташкил этди. Бугун корхона маҳсулотларидан нафақат шаҳар аҳолиси, балки вилоятнинг чекка ҳудудида яшовчилар ҳам баҳраманд бўлишмоқда.

Шаҳар кўркига кўрк қўшиб турган «Фиждувон Машҳураси» фирмасида эса замон талабларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилаётган ишлар банкдан 22 миллион сўм кредит олиниши эвазига янада юқори даражага кўтарилди. «Алмаз» фирмаси яқинда меҳмонхона фаолиятини такомиллаштириш мақсадида кредит олиб, тўлиқ қайтарган эди. Лекин яқинда ташкил этилган спорт-соғломлаштириш клубига кредит ҳисобига 15 миллион сўмлик спорт анжомлари сотиб олиниб, ишга туширилди...

Бундай мисоллар «Микрокредитбанк» АТБ Бухоро вилоят бошқармаси хайрли ишларининг бир қисми, холос. Зеро, мазкур молиявий муассасанинг асосий мақсади ҳам мижозларга замонавий банк хизмати кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бошланғич сармояни шакллантиришда ёрдам бериш, айланма маблағларни тўлдириш учун микрокредитлар ажратиш, шунингдек, микролизинг хизмати кўрсатиш билан уларни қўллаб-қувватлашдир.

Ташкил қилинганига кўп вақт бўлмаган бўлса-да, банк томонидан шу кунгача 765 мижозга 2 миллиард 74 миллион сўмлик микрокредитлар ажратилди. 54 мижозга 705 миллион 500 минг сўмлик микролизинг ҳамда жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида 1 миллиард 567 миллион 200 минг сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

Микросармояларнинг аҳолининг кенг қатламларига кириб боришини таъминлаш мақсадида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Масалан, ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими, Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда микрокредитларни тарғиб қилиш борасида битимлар тузилди. Бу борада ўтказилаётган семинар ва учрашувларнинг аҳамияти ҳам катта бўлмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида тадбиркор аёлларнинг микромолиявий хизматлардан самарли фойдаланишини йўлга қўйиш мақсадида «Тадбиркор аёл» уюшмаси билан ҳамкорликда қилинган ташкилий ишлар, ўтказилган тадбирлар натижасида тадбиркор аёлларга 376 миллион 700 минг сўм кредит ажратилиб, 485 та янги иш ўрни яратилганлиги ҳам юқоридаги сўзларимизнинг исботидир.

Перзидентимиз томонидан қабул қилинган фармон ва қарорларнинг ижросини таъминлаш бўйича ҳам банкнинг вилоят бошқармаси томонидан бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Юртбошимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидаги мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида учрашувлар ўтказилиб, кредитлар ажратилмоқда. Шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича режада белгиланган кўрсаткичлар ортиғи билан бажарилиб, 454 миллион 700 минг сўм кредит ажратилди ва 1 минг 500 та иш ўрни яратилди.

— Давлатимиз томонидан қабул қилинаётган қонунлар, изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон манфаатларини кўзлайди. Яқинда мутбуотда эълон қилинган Президентимизнинг Фармонини ҳам катта ҳаётга қадам қўяётган ёш оилалар учун ғамхўрлик дейиш мумкин. Хусусан, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг меҳнат фаолиятини бошлаш билан бирга мустақил ҳаётга қадам қўяётган бир пайтда керакли ёрдамларни кўрсатиш муҳим эканлиги кўрсатилиб, бу борада молия муассасаларининг олдига ҳам катта масъулият юкланган, — дейди банкнинг микрокредитлар ажратиш бўлими бошлиғи Комилжон Абдуллаев. — Банкимиз жамоаси бундай ишларда иштирок этаётганидан фахрланади.

Банк ўзининг еттита филиали ва 17 та минибанки билан аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб, тобора мижозларнинг ишончли ҳамкорига айланмоқда. Айтиш мумкинки, банк ўз олдига қўйган эзгу мақсадларига эришмоқда.

Бахтиёр ТЕМУР,
«Миллий тикланиш» мухбири. ®

Жамият ва қонун

Тадбиркорлик ҳалолликни ёқтиради. Ҳалол топилган пулда эса барака бўлади. Айниқса, инсон саломатлиги билан боғлиқ дори-дармон савдосида инсоф, диёнат устувор, виждон уйғоқ бўлиши керак. Даромаднинг ҳам, диёнатнинг ҳам инсоф посангисида турган маъқул. Бу худога ҳам, бандасига ҳам хуш келади. Дардманд, ҳожатга муҳтож кишиларни алдаш, улардан фойдаланиб қолиш, мўмай даромад қилишни ўйлашнинг оқибати вой бўлиши тайин.

КЎЗА КУНИДА СИНАДИ

Афсуски, Ургут шаҳрининг А. Навоий шоҳкўчасида жойлашган «Бахтиёр» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасига қарашли дорихонада қисқа муддатли текшириш ўтказилганда савдо қоидалари кўпол тарзда бузилаётгани маълум бўлди. Сотувчи М. Тошмуродов харидорга 19 600 сўмлик дори сотиб, назорат-касса машинасидан харид чеки уриб беришни «эсдан» чиқарган.

«Гулбар» ХИТЧТФга қарашли дорихонада эса бир йўла иккита қонунбузарлик аниқланган. Сотувчи Ш. Набиев харидорга чек бермагани етмаганидек, унинг ҳақидан 280 сўм уриб ҳам қолган. Худди шунингдек, «Нуржаҳон А.А.А» хусусий фирмаси дорихонасида ҳам НКМни ишлатмаслик, яъни, қилинган савдо пуллари миқдорини яшириш билан боғлиқ камчилик аниқланган. Дорихона провизори Н. Ашуров харидорга 2 200 сўмлик дори-дармон сотиб, чекни бермаган. «Оптика» ХФ дорихонаси ғазнаси назоратдан ўтказилганда, 17 200 сўм савдо пули борлиги аниқланган. Дорихонадаги НКМнинг кунлик ҳисоботи мутахассис томонидан ҳисоб-китоб қилинганида 22 500 сўм савдо пули учун чек урилганлиги аниқланади. Бу ғазнага тушган савдо пулидан 5 300 сўм камомад борлигини далиллайди.

Бундай фарқ кишида турли фикрларни туғдиради. Эҳтимол, текшириш шамолини сезиб қолган провизор шошилинчда бир нечта чекларни тахминан уриб чиқарган ва чеклар лентасини ширгандир. Нима бўлганда ҳам, НКМдан рисоладагидек фойдаланилмаганлиги аниқ. Балки нақд пулни банкка топширишда «ножўя» ҳаракатлар қилинаётган бўлиши ҳам мумкин. Жорий йилнинг ўтган даврида Ургут туман давлат солиқ инспекцияси қисқа муддатли текширишларни ўтказишни ташкил этиш шўъбаси ўтказган тадбирлар шуни кўрсатадики, НКМлардан фойдаланишда туманда ҳали жиддий камчиликлар мавжуд. Бундай ҳолат автомашиналарга ёнилғи ва газ қуйиш шахобчаларида ҳам ботбот кузатилмоқда.

Масалан, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини менсимаслик, уларнинг ҳақига хиёнат қилиш «Спитамен-А» хусусий фирмасининг 2-АЁҚШ навбатчи оператори И. Худойқулов учун чўт эмас экан. У харидорга 10 литр бензин сотиб, чек уриб бермаган пайтда қармоққа илинди. Қайта ҳисоб-китоб қилинганда эса ёнилғининг анча қимматга сотилгани ҳам фош бўлиб қолди.

«Амин ота» хусусий фирмасининг 1-АЁҚШ навбатчи оператори Б. Худойбердиев ҳам ҳамкасбининг қилиғини айнан такрорлаган. У харид учун чек бермаган ва харидорнинг ҳақидан 1 050 сўм уриб қолган. «Мирза Маҳмуд» ХФга тегишли бўлган АСГҚШ оператори савдо қилишда НКМдан фойдаланишни «унутиб» қўяётгани маълум бўлиб қолди. У харидорга 8 800 сўмлик газ сотиб, чек бермаган пайтда ушланди. Хуллас, ўз нафси учун ғайриқонуний ҳаракат қилишдан чўчимайдиганлар савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига тегишли дўконлар, тамаддихоналарда ҳам тез-тез учраб турибди. Туман солиқчилари эса бундай нафси ҳакалак отган инсофсизларга қарши кескин кураш олиб боришмоқда. Уларни аёвсиз фош этишмоқда.

Ўзини билган, қиғир йўлга адашиб кириб қолганлар солиқчиларнинг огоҳлантиришлари, текширишлари натижаларидан тўғри хулоса чиқаришмоқда. «Болта тушгунча кунда дам олади» қабилида иш юритаётган таваккалчилар эса ўз билганларидан қолмаётирлар. Ундайларга «Кўза кунда эмас, кунида синади», деган мақолни яна бир карра эслатиб қўймоқчимиз.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Маънавият сабоқлари

Суюма момом: — "Болам, бой бўлгин. Дўстларинг кўп, душманларинг оз бўлсин", — деб дуо қилардилар. Али Сўфи бобом эса: "Илмли ва ақлли бўл. Иззат қилиб, ҳурмат топгин", — дердилар. Ҳар ҳолда бу қадрли инсонларнинг дуоси мен учун олтиндан ҳам қимматли эканлигини энди орадан узоқ йиллар ўтиб, улар бу фоний дунёни тарк этганларидан сўнг англадим, — дейди Эркин ака.

МАНМАНЛИК ОҚИБАТИ

Момомнинг: "Болам, бой бўлгин...", — деганлари ортида катта хавф ҳам борлигини билмаган эканман, — дея сўзини давом эттирди у. — Бой одамнинг ҳақиқий дўстлари кам, лаганбардор, хушомадгўй, манфаатпараст, ҳар қадамингда сенга панд берадиганлари кўп бўлар экан. Аслида бойлик ўзи билан ҳасадни, хусуматни, бахилликни, кибр ва риёни, яна мен тилга олмаган кўпдан кўп бошқа ярамас одатларни ҳам олиб келар экан.

Умргузаронликнинг ўз қонунлари бор. Аммо Эркин ака вақтида шу қонунларни менсимади. Ҳаёт гирдобига қўшилиб кетди. Унга бобосининг дуосидан илм, момосининг дуосидан бойлик келди. Ўрта мактабни битиргач, олий ўқув юртига кириб ўқиди. Уни институтда олиб қолишди. Адаши Эркин профессорга шогирд тушди. Аспирантурага кириб ўқиди. Олим бўлиб етишди.

Олим бўлсанг олам сеники, деганлари рост экан. Эркин машҳур устозининг шон-шуҳратидан шараф топди. Матбуот эшиклари унга йўл очди. Республика газета-журналларида бирин-кетин шўро жамиятини кўкларга кўтарадиган мақолалари эълон қилина бошланди. Телевидение ва радиода ҳам тез-тез кўрина бошлади.

Эркин Каттабоев катта давраларга, улуғ ва мўътабар инсонлар сафига қўшилди. Устози бу орада академик бўлди. От изидан той юради деганларидек, устоз Эркин билан шогирд Эркин кўпчилик олдида содиқ дўстга айланиб борарди.

Эркин Каттабоев тоғли қишлоғида бўлганида бир каттакон даврада: "Мен қишлоғимдан юздан ортиқ ёшларни олий ўқув юртига киритдим", — деб мақтаниб қолди. Шунда бир одам: "Эркинжон, халққа яхшилик қилдим, деб таъна қилманг. Мактабда яхши ўқиганлар бу ёқда қолиб кетиб, ночор ўқиган пулдорларнинг болаларини ўқишга киритгансиз. Аввал қишлоғимиздан битта порахўр чиққан эди. Энди сиз сабаб бўлиб уларнинг сони янада кўпайди", — деди.

Эркин Каттабоевга бойлик қаердан келганлиги шундан кейин одамларга маълум бўлиб қолди. Олимлик ҳам ана шу бойлик ҳисобига қўлга киритилганди. Аввал ижарада турган Эркин тез фурсатда уйлижойли, енгил машинали бўлди.

Энди Эркин Каттабоев қўшни қишлоқлардан ҳам бойларнинг фарзандларини ўқишга жойлайдиган бўлди. Энди илмнинг катта йўлига кўз тикди. "Ленинча ғояларнинг Туркистон халқлари тарихида тутган ўрни" мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бунда ҳам устози катта Эркиннинг муруввати катта бўлди.

90-йилларда метиндан мустаҳкам коммунистик империяга дарз кетди. Ўз-ўзидан, чок-чокидан узилиб, қудратли давлат қулади.

Меҳр берган, оқибат кўрсатган устоз Эркиннинг омади терс келиб, институтнинг янги раҳбарига ёқмай қолди. Лавозимидан кетган академик оддий домла бўлиб қолди. Ана шу кундан бошлаб шогирд устозини изламай, йўқламай қўйди. У ер-бу ерда кўрадиган бўлса ҳам узоқдан жуфтакни ростлаб қоладиган бўлди.

Устози Эркин обрўйи баланд, илмда мактаб яратган одам эмасми, шогирдининг қилиқларидан аввал ҳайрон қолиб юрди. Ўзича мени деб озор чекмасин, ҳали ёш, ўсиши керак, деди. Унинг уйига бир-икки кўнгироқ қилганди: "Уйда йўқлар", — дейишди. Бу орада ҳаш-паш дегунларича икки-уч йил ҳам ўтиб кетди. Лекин устоз Эркинни бошқа шогирдлари ташлаб қўймасди. Доим иссиқ-совуғидан хабар олиб туришарди. Аммо академик шогирди Эркинга кўпроқ меҳр қўйган эди. Бироқ адашган экан. Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, шогирднинг кўрнамаклиги катта-кичик доираларда ҳам эсланадиган бўлди. У устозидан воз кечди. Чунки энди Эркин аканинг унга нафи тегмасди-да.

Порага ўрганган Эркин мустақиллик йилларида олий ўқув юртларида ишлай олмади. Чунки тест асосида имтиҳон синовлари ўтказиладиган бўлди. Фақат ойлик ҳисобига ҳалол ишлашни ўзига эп билмади. Энди чет элга кўз тикди. Аввал Туркия, сўнг Америкада ишлаб келди. Хориж билан "ипак йўли" ўрнатди. Ўзи, фарзандлари кўплаб чет мамлакатларда ишлаб келишди.

Эркин Каттабоев олимликни бутунлай ташлаганди. Унга илмнинг кераги бўлмай қолганди. Пул топсам бўлди деб ўйлади. Эркинлик Эркинга янада эрк берди. Бу эрк қанот бўлиб, уни дунё кездирди ва доллар, евроларга кўмиб ташлади. Бирдан кўзини ёғ босиб, уни хасис, нокас, диёнатсиз, бадкор ва бахил қилиб қўйди. Унинг толеига ҳиммат, мурувват, саховат, сахийлик каби фазилатлар битилмаган экан. Қўшақўша уй, қўша-қўша машина сотиб олди. Маҳаллага, ўзи ўқиган қишлоқ мактабига, болалари ўқиган шаҳар мактабига, даволанган тиббий масканларига, муҳтож ва ночор оилаларга ёрдам кўрсатишни хаёлига ҳам келтирмади.

Бемеҳрлик, бағритошликни қарангки, бир қориндан талашиб чиққан синглиси оғир дардга мубтало бўлганлигини ҳам кейин билди у. Жиянлари қўли қисқалик қилиб ёрдам сўраб келишибди.

— Ўттиз фоиз устама тўлайсизлар. Майли, минг доллар бераман, — деди жиянига.

— Тоға, фоизсиз беринг. Ахир, онам сизга бегона эмас, синглингиз бўлади-ку! — деди у.

— Нима бўпти сингил бўлса. Унинг эри, болалари бор. Хўп десанг шу, йўқ десанг, ўзинг биласан, — деди тоғаси.

Охири жияни тоғасининг шартига рози бўлибди. Бироқ тоғаси паспортингни олиб келгин, дебди. Жиян айтганини қилибди. Нотариус орқали минг доллар берибди.

Бир ота-она фарзандларининг баҳоси минг доллар бўлса? Ахир, одам ҳам шунчалик паст кетадими! Эркин ака бўлиб бирор марта синглисини бориб кўрмабди. Бунинг устига орадан бир ой ўтгач, пул олган жиянини чақириб: "Бир минг уч юз доллар берасан!" — дебди. "Тоғажон, пулим бўлганида сиздан қарз олмасдим. Ҳозир онамни даволатиш билан овора бўлиб юрибмиз", — дебди у.

— Жиян, яна бир ой кутаман. Бир минг олти юз қилиб бермасанг, судга бераман. Қонун ундириб беради, — дебди тоғаси.

Эркин ўз билганидан қолмади. Яна бир ой ўтгач жиянини судга берди. Хуллас, жиян ҳовлисининг ярмини сотиб, тоғасига қарзини қайтарди. Бу орада унинг синглиси вафот этди. Эркин оила аъзолари билан ўз синглисининг жанозасига, ҳатто фотиҳа ўқиб келишга ҳам бормади. Маҳалланинг оқсоқоли: "Эркинжон, яхши иш қилмадингиз. Одамлар сизнинг устингиздан кулишяпти", — дебди унга.

— Мен ака-укаларим, опа-сингилларимга кўп яхшиликлар қилдим. Болаларини ўқитиб берганман, — деб қилган яхшиликларини миннат қилгандай бўлибди Эркин.

Шунда оқсоқол: "Эй, ука, бу қилган яхшиликларингиз қариндошлик бурчингиз-ку! Уят бўлади. Бундай деманг. Очиғи, яна бир гап, сиз ҳамма қилган яхшиликларингиз учун пул олганингизни биламиз", — дебди танбеҳ бериб.

Шайтоннинг домига илиниб, бойликка ружу қўйган Эркин тирик туриб туғишганлари — опа-сингил, ака-укалари, қариндошларидан ажралиб қолди. Тирик жон бир кун ётиб қолишини ўйламади.

Беодоб ва беақлни одатда ҳаётнинг ўзи тарбиялайди. Бир куни Эркин янги ҳовлисига мебель олиб келгани чет элга кетибди. У ердан мебель олиб келаётганида юз берган автоҳалокат туфайли мажруҳ бўлиб қолибди. Унинг бошига тушган фалокатни эшитганлар «тавба», дейишибди. Уни кўргани устози Эркин, барча қариндошлари, қишлоқдошлари, маҳалладошлари келиб, ҳол-аҳвол сўраб туришди. Ҳа, бойликни ҳам, илмни ҳам кўтаради. Бу иккисининг масъулияти ниҳоятда кучли бўлади. Дуонинг кучи Эркинга илм ҳам, бойлик ҳам берган эди. Бироқ Эркин бу иккисининг юкини кўтара олмади.

Ҳаёт — катта мактаб. Бу воқеа балки кимгадир ибрат, сабоқ бўлар, деб ўйладик. Одатда тарбиянинг катта-кичиги йўқ. Фақат яхшилик излаб, яхшилик қилиб яшашга одатланайлик. Шукр иймонга, ношукрлик эса имонсизликка олиб боради. Ибрат одамни тўғри йўлга бошлайди.

Абдулҳамид ХАБИБУЛЛАЕВ,
Халқ таълими аълочиси, доцент.

Жаҳон ҳафта ичида



Лойиҳа атрофидаги машмаша

АҚШ ва Европа Иттифоқи Косово масаласида ҳамкорликда тайёрлаган резолюция лойиҳаси БМТ Хавфсизлик Кенгашидан қайтариб олинди. Лойиҳада Косовога деярли мустақилликка тенг мухторият берилиши кўзда тутилганди. Бундан олдинроқ, Россия бу масалани ҳал этишда расмий Белграднинг ҳам нуқтаи назарини инобатга олиш лозимлигини билдириб, резолюция лойиҳасининг қабул қилинишига қаршилигини маълум қилганди. Сербия ҳукумати раҳбари Воислав Коштуница шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида бу масалада Белградни қўллаб-қувватлагани учун расмий Москвага миннатдорчилик билдирди.

Ўз ўрнида Косово ҳам Европа Иттифоқи ва АҚШ розилигисиз бир томонлама мустақиллик эълон қилмайди. Косово Президенти Фатмир Сейдиу АҚШ Давлат котиби Кондолиза Райс билан музокаралар ўтказгандан сўнг бу ҳақда баёнот берди. АҚШ Давлат департаменти вакили Шон Маккормак Косово масаласида ЕИ ҳамда Россия билан маслаҳатлашувлар давом эттирилишини таъкидлади.

Олтмиш йилда биринчи маротаба

Англиядаги Темза ва Северн дарёлари бўйларида яшовчи аҳоли кучли сув тошқинларидан жабр кўрмоқда. Тинимсиз ёғаётган қаттиқ жала оқибатида икки дарёнинг ҳам суви ўзанидан тошиб кетган. Бундай ҳолат охирги 60 йилда биринчи маротаба қайтарилмоқда.

Сув тошқинлари электр ва сув тармоғига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Биргина Глостершир графлигидаги 420 мингга яқин аҳоли ичимлик суви ва электр энергия таъминотидан узилиб қолди. Айни пайтда табиий офат юз бераётган ҳудудларда қутқарув ишлари олиб борилмоқда. Синоптикларнинг маълум қилишича, кучли ёмғир яна бир неча кун давом этиши мумкин.

Эроннинг таклифи

Кеча Бағдодда АҚШ ва Эрон расмийлари ўртасида Ироқда барқарорлик ўрнатиш масаласида музокаралар ўтказилди. Ироқ ташқи ишлар вазири Хошияр Зебари бу ҳақда маълум қилди. Муҳокамаларда мазкур мамлакатларнинг Ироқдаги элчилари ҳамда расмий Бағдод вакиллари иштирок этишди. Эрон Ироқдаги вазиятни яхшилаш мақсадида АҚШ иштирокида уч томонлама ишчи гуруҳ тузишни таклиф қилмоқда. Ушбу учрашув расмий Вашингтон ташаббуси билан ўтказилди.

Таъкидлаш керакки, охирги 27 йил давомида икки давлатнинг юқори мартабали дипломатлари иккинчи марта учрашишди.

Экспорт қилиш тўхтатилди

Украинанинг Днепропетровск вилоятидаги давлат компанияси уранни четга экспорт қилишни тўхтатди. Қазиб олинаётган барча уран хомашёси мамлакат ядро материаллари ва ёқилғи заҳирасига йўналтирилади. Бу ҳақда «Укратомпром» концерни бош директори Андрей Деркач маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, ушбу ёқилғи хомашёсидан мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун фойдаланилади.

Таҳлилчиларнинг фикрича, 2009 йилда бир килограмм ураннинг баҳоси 500 долларгача кўтарилиши мумкин.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Сиз бунга нима дейсиз?

Хизмат юзасидан пойтахтимиздаги Дархон мавзеси томонга йўлим тушди. Аксига ишим битмай, кечгача қолиб кетдим. Бу ҳам етмагандек бекатда автобус кутиб чарчадим. Охири машина тўхтатишга мажбур бўлдим. Олд ўриндиққа ўтирарканман, камар тақиб олган ҳайдовчига кўзим тушди. Очиғи, хурсанд бўлдим. У буни сездими: "Агар пулим ёнимга қолсин десангиз, илтимос, камарни тақиб олинг", — деб қолди.

ПУЛИ КЎП «ҲАЙДОВЧИ»

Ҳавфсизлигимизни таъминлаш мақсадида чиқарилган қонунлар кундалик ҳаётимизда қўлланилаётгани яхши-да. Сабаби, бунга амал қилмай ҳаётини хавфга қўяётган ҳайдовчилар ҳозир ҳам учраб турибди.

Хаёлимни телефон қўнғироғи бузди. Ҳайдовчи шошилмай чўнтагидан уяли телефонини олди. "Қани энди нима қиларкан, ҳойнаҳой машинани четга олиб гаплашиб олса керак", — деб ўйладим. Бироқ... У бамайлихотир сўзлаша кетди. Бир қўли рулда, бир қўлида жажжи "қутича". Камида саккиз дақиқа гаплашди-ёв. Унгача анча йўлни босиб қўйдик. У телефонда гаплашиб бўлгач, секингина гап бошладим.

— Мен камарни тақмасам жарима тўлайсиз, шундайми? Машина бошқараётиб, қўл телефонидан фойдалансангиз, жарима олишмайдими? Ё бу ҳақдаги қарордан бехабармисиз?

— Хабарим бор, газетдан ўқигандим. Э, қўяверинг, менинг пулим кўп... — кулимсиради у.

Суҳбат шу ерда бўлинди. Сабаби, мен манзилимга етиб келгандим. Хаёл суриб уйга киргачгина, оқ "Матиз"нинг рақамига аҳамият бермаганимдан афсусландим. Ҳеч бўлмаса ҳайдовчининг қўл телефонини сўраб олмабман. Боиси, унга берадиган саволларим бор эди.

Бундай воқеаларга дуч келганда ҳайрон қоласан киши. Бу ўз ҳаётига эътиборсиз, лоқайдлик билан қарашми? Ё бўлмаса "Ҳамма нарсани пул билан ҳал қилиш мумкин", деган тушунча билан яшашми? Аслида, яхшилаб ўйлаб кўрилса, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган турли ҳужжатларнинг жой-жойига етиб бориши, амалда ишлаши ўзимизга боғлиқ. Улар сизу бизнинг ҳаётимиз учун қабул қилинганлигини асло унутмаслигимиз керак.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи.

Муштарий илҳоми

ЛАТОФАТ СЕН, НАФОСАТ СЕН, ГУЛИ РАЙҲОН ҚИЁСИНГДИР

Мени сендин бўлак дилдор киши бирлан ишим йўқдир,
Киши кўпдир рафиқ, ҳамдард, лек ҳеч сендек кишим йўқдир.

Ул ой ўтли юзинг очсанг тароват бахш этурли юз,
Не сир бу кундуз ой очди юзин деб эс-ҳушим йўқдир.

Сахо этсанг юрагим дардига бир бор нигоҳ айлаб,
Ҳаётда бу қувонч янглуғ фалакка учмишим йўқдир.

Агарчи хуш наво айлаб висол базмида тун кечсам,
Лабингдан бол тотурли бу базмдан кечмишим йўқдир.

Этибсан маҳлиё тушлар уза, тонг чоғи уйғондим,
Нафосат мулкига булдек асир бўлган тушим йўқдир.

Латофат сен, нафосат сен, гули райҳон қиёсингдир,
Дилим гулга қўнур булбул, дема қўнган қушим йўқдир.

Оёғингдан бошинг то гул ичинда сен нигоҳ этсам,
Шакл ёзгай қароғимга баҳор, асло қишим йўқдир.

Маҳолдир бу ҳаёт ичра рафиқ шайдони топмоқлик,
Сулаймон дер: кишим кўп, лек сенингдек бир кишим йўқдир.

* * *

Кечурман кўчаларни бир ғами афтодаҳол ёлғиз,
Муҳаббат риштасини боғламоқликдир маҳол, ёлғиз.

Бу оламда қолиб танҳо шижоатли рафиқ топмай,
Сезур эркан киши ҳар лаҳза ўзига малол ёлғиз.

Бўлур эрди менга дилкаш синиқ кўнглумга таскинзо,
Йўқотганча аларни вах қолибман бемалол, ёлғиз.

Тавонда бор тикон янглуғ юрагига сунар ғам, ким —
Ютолмас қатра сув бўғзига асло номаҳол ёлғиз.

Боши тошга тегур ногоҳ хиёл дайди шамолдан ҳам,
Етим тўрғай каби бўзлар қолиб ҳардамхаёл ёлғиз.

Сўрангким сиз Сулаймондин келиб танҳонинг аҳволин,
Ки дард айтарга ҳам ҳатто тополмайди мажол, ёлғиз.

Сулаймон ҲАЙДАР.

Урганч шаҳридаги "Ёшлар иҳтимоий хизматлари маркази" "Камолот" ёшлар иҳтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши муассислигида ташкил қилинган. Унда ҳозиргача 1200 нафарга яқин йигит-қизлар ҳунарли бўлишди.

Бу ерда компьютер сабоқлари, қандолатчилик, сартарошлик, тикувчилик ва зардўзлик, элита пардалари тикиш курслари очилган. Ўқув хоналари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Суратларда: тикувчилик ва зардўзлик курси аъзолари машғулот пайтида.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

«Миллий тикланиш» газетасига реклама ва эълонлар қабул қилинади.
Матбуотчилар кўчаси 32-уй. 501, 502-хоналар.
Телефонлар: 136-58-73, 133-67-51.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

® - Тижорат материали

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 623.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2100
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

2 3 4 5 6

Босишга топширилди 20.00

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

2007 йил 1 август, чоршанба.

Миллий тикланиш

Миллий тикланиш — миллат келажаги

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

31 (414)-сон

Сотувда эркин нархда.

СИЗНИ КУТАР ТЕСТ СИНОВЛАРИ!

Юз-кўзларидан нур ёғилиб турган бу бахтиёр ёшларнинг ўз орзу-умидлари бор. Улар мактаб, лицей ва коллежларда билимларни чуқур эгаллаб, етук мутахассис бўлишдек эзгу мақсадни кўнгилларига тугишган. Кимдир ўқитувчи, бошқа биров шифокор, банк ходими, иқтисодчи ёки олим бўлиш туйғуси билан яшамоқда. Орзуларнинг ойдин йўли бугун уларни олий ўқув юртлари сари бошлаяпти.

Мустақиллик туфайли олий ўқув юртларига киришда кенг қўлланалиётган тест синовлари ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олди. Билимига ишонган ҳар қандай абитуриент ўзи хоҳлаган олий ўқув юртининг талабаси бўлиши мумкин. Шундай кайфиятдаги минг-минглаб ёшлар бугун тест синовларини топширадилар. Катта ҳаёт бўсағасида ўз омадларини синаб кўрадилар. Биз эса уларга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

ҲОМИЙЛИКНИНГ САВОБИ КАТТА

Азалдан халқимиз хайру саховатни қадрлаб, эзгуликни эъзозлаб, меҳр-оқибат туйғуларини улуғлаб келади. Партиядошларимиз томонидан олиб борилаётган ҳар бир эзгу иш ҳам шу мақсадларга йўналтирилган. Фаоллар иштирокида ишимизни таҳлил қилар эканмиз, вилоят депутатлар гуруҳи томонидан ўтказилган бир қанча эзгу тадбирларга ҳам гувоҳ бўлдик.

Гуруҳ аъзолари Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан тузилган махсус дастур асосида бир қатор хайрли ишларни амалга ошириб келишаётир. Белгиланган режалар қоғозда қолиб кетмай, балки амалий ифодасини топаётир.

Яқинда депутатлар гуруҳи фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари билан ҳамкорликда Гулистон шаҳридаги «Дўстлик» кўрғони, Ш. Рашидов ва «Маданият» маҳаллаларида бўлишиб, аҳолининг ижтимоий аҳволи, улар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишишди. Боқувчисини йўқотганлар, турмуши ночор оилаларнинг моддий ва маънавий аҳволи ўрганилиб, уларга баҳолиқудрат кўмак берилди. Ҳомийлик тариқасида озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда моддий ёрдам пуллари ажратилди. Шу ҳудудда яшовчи 9 нафар болаларнинг суннат тўйлари ўтказилди. Партиянинг вилоят кенгаши депутатлари Ҳасан Шерматов ҳамда Алижон Яриевлар бу ишларга бошқош бўлишди.

— Анчадан буён шу вазифада ишлайман, — дейди "Дўстлик" кўрғони фуқаролар йиғини раиси Нортожи Қурбонова. — Баъзан муҳтож оилаларга моддий мадад беришда қўлимиз калталик қилади. Шундай пайтда ёнимизда туриб, саховатпешалик билан ёрдам қўлини чўзаётганларга ташаккур айтамиз. Улар қаторида "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзолари ҳам бор. Уларнинг беминнат ёрдамидан маҳалламиз аҳли чексиз миннатдор бўлишмоқда.

Йўлларни созлаб, асфальт ётқизишда, ер остидан ўтган қувурларни, кўчалар атрофидаги бетон ариқларни янгилаш ишларида ҳам вилоят кенгаши депутатлар гуруҳининг ташаббускорлиги сезилаётир. Бундан ташқари, улар тез-тез шанбаликлар уюштирилиши ҳамда турли хил тадбирлар ўтказилишини ҳам таъминлашмоқда.

Беруний маҳалласида яшовчи Эркин ота Йўлдошев шундай дейди:

— Халқимизда ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин, деган гап бор. Депутат укаларимиз умридан барака топишсин, шунча ишлари бўла туриб улар бошқа маҳаллалар қаторида бизнинг ҳам ҳол-аҳволимиздан, кексалар, моддий аҳволи оғир оилаларнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб туришибди. Қўли очиқнинг йўли очиқ бўлади, деб уларни дуо қиламиз биз ёши улуғлар.

Отахоннинг гапларида жон бор, бундай эзгу тадбирлар ниҳоятда савобли амал ҳамдир. Одамлар орасида меҳр-оқибат, оилаларимизда, кўнгилларимизда тинчлик-хотиржамлик бўлсагина, ишларимизда ривож бўлади, ютуқларимиз кўпаяди.

Вилоят кенгашимиз депутати Алижон Яриев ҳам савобталаб кишилардан. У замонавий компьютер жиҳозлари туҳфа қилиб, Сирдарё туманидаги 41-умумтаълим мактаби ўқувчиларига қувонч улашди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан "Пахтакор" фермерлар хўжалиги ҳудудидаги болалар боғчасига ҳам ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Яхши юмушнинг каттакичиги бўлмайди. Аслида кичик бир эзгу иш ҳам катта бир яхшиликнинг бошланишига сабабчи бўлиб қолади. Фикрларимизни Гулистон шаҳридаги "Навбаҳор" маҳалласида яшовчи Венера Бектошеванинг сўзлари билан якунласак:

— Ҳар бир кунимиз хайрли ўтишида осойишта турмуш, озодалик ва тозалик ҳамда тартиб-интизом асосий омил бўлмоқда. Партия фаолларининг савобли ишларини кўриб, қувонаман доим. Уларнинг ёрдами билан шаҳримиз кўчалари равонлашди, ён-атроф гуллаб-яшнади. Носоз йўллар созланмоқда. Энг яхшиси, шанбаликлар ташкил қилинаётгани сабабли йўллар атрофи чиқиндилардан тозаланиб, саранжом-саришта бўлиб қолди. Бу ишлар тўхтаб қолмай, яна давом этишини истардим. Яхшиликлар бардавом бўлса, меҳр ришталари узилмайди.

Маматқул БОЗОРБОЕВ,
ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси.
Баҳром САФАРОВ,
вилоят депутатлар гуруҳи раҳбари.

Партия ҳаёти

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — ЕТАКЧИ КУЧ

Ҳар бир партиянинг мақсад ва режалари амалга оширилишида вилоят ва туман кенгашлари фаолияти муҳим ўрин тутади. Кўп минг сонли партиядошларимизнинг аксарияти вилоятларда истиқомат қилади. Партиянинг ҳар бир аъзоси олиб борилаётган ишларимиз тўғрисида ўз фикрини билдиради.

ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Бахтиёр МЎМИНОВ билан ана шу мавзуда суҳбатлашдик.

— Партия сафига киргинингиздаги дастлабки таассуротларингиз ва бугунги ўй-хаёлларингизни биз билан ўртоқлашсангиз.

— Албатта, дастлабки таассуротлар билан бугунги ўй-фикрларни қиёслаб бўлмайди. Ўзини зиёлилар партияси деб эълон қилган сиёсий ташкилотга аъзо бўлгач, педагогика ва сиёсат соҳалари мутахассиси сифатида асосий мақсадим ижтимоий-сиёсий ҳаётда, амалга оширилаётган ислоҳотларда фаоллар сафида бўлиш эди. Бугун эса мақсадларим қаторидан бурч, мажбурият деган масъулиятли тушунчалар ҳам ўрин олди. Ўзимни жамиятимизда демократик тамойиллар устувор бўлиши учун курашда янада масъул сеза бошладим.

Бу — биринчидан, партиянинг вилоят кенгашига раҳбар бўлганим боис бўлса, иккинчидан «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан партия аъзоси сифатида ўзимнинг ва мен бошқараётган вилоят партия ташкилотининг жамиятдаги ўрнимиз ҳамда олиб борадиган ишларимизни жиддий қайта қуриб олишимиз заруратидан келиб чиқди.

Қонун кучга киргандан бошлаб партиямизнинг ҳар бир аъзоси, депутатлар, партия гуруҳлари берилаётган ҳуқуқ-ваколатлардан оқилона фойдаланиши учун аввало улар муносиб фаолият кўрсатишлари лозим. Партиямизнинг барча бўғинларида ушбу қонуннинг асосий мақсадлари доимо диққат марказида туриши керак, деб ўйлайман. Биринчи навбатда, улар жамиятимиз ҳаётида ижтимоий ва сиёсий фаолликни янада оширишга эътибор беришлари керак. Шунингдек, сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири ҳамда масъулиятини ҳам кучайтириш зарур. Бундан ташқари, ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг фаол иштироки учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш лозим. Ҳукумат тузилмаларининг, жойлардаги давлат ҳокимият органларининг мамлакат парламентида сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари олдида ҳисоб беришини белгилаб берадиган ва таъминлайдиган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш ҳам муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Келгусида ҳар бир партия фаоли мана шуларни эътиборга олган ҳолда иш тутади.

— Сизнингча, депутатлар — партиямиздан вилоят ва туман кенгашларига сайланган вакилларимиз қандай ташаббус кўрсатишмоқда?

— Ўтган сайловларда партиямиздан халқ депутатлари вилоят кенгашига тўрт нафар, туман ва шаҳар кенгашларига 26 нафар депутат сайланган. Бугун вилоят депутатлари Зокиржон Турсунов, Хурсаной Исломова, Набижон Собиров, Илёсбек Раҳимовларнинг сайловчилар ва партиядошлар ишончини оқлаш йўлидаги фаолиятларини мамнуният билан эътироф этишни истар эдим. Шунингдек, туман депутатлари Ҳамдамали Отабоев, Йўлдошали Исмоилов, Бердали Бегматов, Баҳромжон Маҳкамов, Ҳамиджон Бурхонов ва бошқаларнинг фаоллиги ҳам таҳсинга сазовордир. Айниқса, депутатларимизнинг Ижтимоий ҳимоя йили моҳиятига мос ишлари, меҳнат аҳли ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги хайрли тадбирлари самарали бўлмоқда.

Шу йилнинг май ойида вилоят кенгаши котибияти йиғилиши бўлиб ўтди. Шу куни 12-«Даҳана Қақир» сайлов округидан сайланган депутат Ҳамдамали Отабоев ўз ҳудудида фермерлик ҳаракати ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ўрганиб чиққани ҳақида сўз юритди. У «Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналари фермерларга ҳақини ўз вақтида тўламаётгани, оқибатда улар солиқ тўловларидан катта миқдорда қарздор бўлиб қолаётганлари тўғрисида куйиниб гапирди. Бу ҳолат фермерларнинг ташаббус билан ишлаш иштиёқига ҳам путур етказаётгани, бошлаган ишининг ривожига ишончи қолмаётганини ўринли таъкидлади. Депутат бу ҳақда партия Марказий кенгашига хат билан чиқиб, масалани ҳал этишга Олий Мажлисдаги партия фракцияси орқали амалий ёрдам берилишини сўради.

(Давоми 2-бетда).

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Вобкент туман кенгаши ташаббуси билан «Ёшлар — миллат келажаги» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

Партиянинг Самарқанд вилоят кенгаши «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши билан ҳамкорликда «Соғлом она — соғлом фарзанд» мавзуида тадбир ташкил этди.

* * *

ЎзМТДП Тахтакўпир туман кенгаши томонидан «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» мавзуида учрашув ўтказилди.

* * *

Партиянинг Жалақудуқ туман кенгаши маданият ва спорт ишлари бошқармаси туман бўлими билан ҳамкорликда «Маънавий-маданий меросимиз дарғалари» мавзуида учрашув уюштирди.

* * *

ЎзМТДП Қумқўрғон туман кенгаши ташаббуси билан «Ассалом, келажак — улуғвор Ватан!» номли тадбир ташкил этилди.

* * *

Партиянинг Қўшкўпир туман кенгаши «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда «Маҳалламиз донолари, зукколари, полвонлари» мавзуида тадбир ўтказди.

* * *

ЎзМТДП Қарши шаҳар кенгаши томонидан «Миллий ўзликни англаш — давр талаби» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

Партиянинг Паркент туман кенгаши туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Аёллар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш» мавзуида давра суҳбати ташкил этди.

* * *

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши «Юксак парвоз» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши билан ҳамкорликда «Бу байрам барчамизники, бутун халқимизники» мавзуида тадбир уюштирди.

* * *

Партиянинг Элликқалъа туман кенгаши томонидан «Экология — оналик ва болалик» мавзуида йиғилиш ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши ташаббуси билан «Ватан ягонадир, Ватан биттадир!» мавзуида йиғилиш бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Сурхондарё вилоят кенгаши ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида «Жамиятни модернизация ва ислоҳ этишда сиёсий партиялар ҳамда ёшларнинг иштироки» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.

Ўзбек феъли

БАХТ НИМАДА?

Ўша куни ишхонада кечга қолиб кетдим. Уйга киракаш машинада кетишга тўғри келди. Чўнтакдаги пулни ҳисобга олмабман. Нима қилиш керак? Шу тобда кўчада бирорта танишни учратиш қийин. Ноилож, эски «Жигули»ни тўхтатдим.

— Мени уйга ташлаб ўтолмайсизми? Лекин пулим озроқ эди-да?..

— Берганингизни берарсиз.

— Раҳмат, — дедим-да, машинага чиқдим. Сочларининг оқариб кетганлигига қараганда ҳайдовчининг ёши эллиқдан ўтганга ўхшарди. Йўл-йўлакай гаплашиб кетдик.

— Ҳарқалай, тирикчилик учун йўлга чиққансиз. Мабодо, кам десангиз, уйдан олиб чиқиб бераман, хўпми?

— Келишдик-ку, бўлади берган пулингиз. Пулни бугун кўраётганим йўқ, ака. Савоб ҳам керак. Мен учун одамларнинг дуоси муҳим. Сиз тўлдиролмаган кира ҳаққини бошқа бир йўловчи қоплаб юборади кейинроқ.

Биз анчагача жим йўл босдик. Ҳайдовчи менга мулойимроқ қараб қўйди. Сўнгра:

— Ҳаётда ҳамма нарсани пул билан ҳал қилиб бўлмас экан, — деди у. — Бир вақтлар мен тадбиркорлик билан шуғулланардим. Ҳалол меҳнатим ва тиришқоқлигим боис борган сари ишим юришди. Болаларимни ҳеч нарсадан зориқтирмадим. Қўша-қўша ҳовлилар олдим. Кўчмас мулк эгаси бўлиб қолдим. Лекин ҳаёт бир текис бўлмас экан. Хуллас, «синиб» қолдим. Бор молдунёмдан ажралишга тўғри келди. Хорижда ишлаб чиқарилган машинамни ҳам сотишга мажбур бўлдим. Қарзлардан зўрға қутулдим. Энди эса мана шу эскигина машинага куним қолди. Худога шукр, рўзғоримни тебратиб турибман. Ҳаёт — синов майдони, биз унда иштирок этувчилармиз. Акам бир куни: «Ука, одамлардан уялаяпман. Мен сенга пул бераман, янги машина олгин», — деди. Мен кўнмадим. Чунки кеннойимнинг ранг-рўйига қарашни эп билмадим. Шунисига шукр қиламан. Эски бўлса ҳам машинам юриб турибди-ку, тўғрими? Барча қатори яшаяпман. Оилам, болаларим соғ-саломат. Бировга муҳтож қилмасин... Нима бўлган тақдирда ҳам оилангиз ҳақида қайғуринг. Чинакам бахт — оиланинг омонлиги. Ундаги кемтикни ҳеч қандай мол-дунё тўлдира олмайди. Буни ўз бошимдан ўтказдим. Борига шукр қилиб, қаноатда яшасангиз, омаднинг ўзи эшик қоқиб келаверади. Мен бир нарсага амин бўлдим: бахт бойлик ёки давлатда эмас экан.

— Ёшингиз нечада? — деб сўрадим мен.

— Энди қирқ ёшга тўламан...

Мен манзилимга етиб келгандим. У билан самимий хайрлашдим...

Муродулла ҒАФУРОВ.

Газетамизга 2007 йилнинг келгуси ойлари учун обуна давом этаётганлигини эслатиб ўтамиз.

Лола ЭЛТОЕВА:

«МИЛЛАТИМИЗ БИЛАН ҒУРУРЛАНАМАН»

Ўзбек фильмлари равнақига катта ҳисса қўшган санъат дарғаларининг кўпчилиги ҳаётдан кетди. Гоҳо давраларда уларни хотирласак, "Аттанг, энди бундай улуғ актёрлар ўрнини ҳеч ким босолмайди", — дегувчилар топилади. Мен эса шу сингари гап-сўзларга ишонмайман. Чунки машҳур устозлари изидан келаётган бир гуруҳ ёш актёрлар борки, уларнинг иқтидорига қойил қолмасдан иложимиз йўқ. Талантли актриса Лола Элтоева ана шуларнинг бири. Нигоҳлари порлаб турадиган бу шижоатли қиз кино оламига ҳеч иккиланмасдан дадил қадам ташлади. "Зайнаб ролини ўзим сўраб олганман!", – дейди у кўзлари чақнаб.

Ҳаммамизга маълумки, анча йиллар илгари ишланган "Ўткан кунлар"даги Зайнабни аксарият киномухлислар ёмон кўриб қолишганди. Аммо янги талқинда ишланган кейинги фильмни кўргач, томошабин ўйлаб қолди. Хўш, Зайнаб ким эди? У ўзи яшаётган давр ақидаларининг қурбони, очилмасдан сўлган ғунча, турмушининг илк соатлариданоқ умидсизликка рўбарў келиб, охир-оқибат севгиси топталган аёл... Хуллас, Лола Элтоева ижросидаги Зайнабнинг кечинмаларини бугунги томошабин яққол тушуниб етди.

Айтиш жоизки, турғунлик йилларида олинган шу фильм имкониятларида анча-мунча чекловлар бўлганидан хабардормиз. Шунинг учун ҳам кейинроқ ишланган "Ўткан кунлар"да асар воқеаларига кенгроқ ёндашилган, қаҳрамонларнинг ҳолати чуқурроқ очиб берилган.

"Тун совуғида ич қўйлакда дийдираб қабристонни оралаб юрган Зайнаб Отабекка дуч келиб қолгач, "Мен Кумушман", — дейди. Бечора Зайнаб... Ахир, у ҳам севарди. Шу севгини деб ўзидан, ўзлигидан тонди. "Ишонасизми, худди шу воқеа суратга олинаётганда мен чинакам Зайнабга айланиб қолгандим гўё. Ҳатто ўшандан сўнг оғир бетобликни бошдан кечирдим", — дейди Лолахон.

Демак, Лола Элтоева Зайнабни яна янгидан кашф этгандек эди, бизнингча. Шунинг учунми, ҳали-ҳануз Зайнаб роли томошабинлар даврасини баҳс ва мунозараларга чорлаб келмоқда. Лола Элтоева эса Зайнаб ролини ўйнагандан кейин 1998 йилда Бухорода ўтказилган кинофестивалда "Энг яхши аёл образи учун" махсус соврини билан мукофотланди.

Ёш актрисанинг илк ижодига бироз тўхталайлик. Таниқли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад асари асосида ишланган "Жаҳолат алангаси" видеофильмида Гулшод ролини ижро этганида у институтда ўқир, "Илҳом" театрининг талабаси эди. Бу роль унга омад келтирди, катта устознинг назарига тушди. Видеофильмда она образини жонлантирган Тўти Юсупова Лоладаги ички шижоатни кўриб, унинг ижросига юқори баҳо берди. "Сенинг ўрнинг бизнинг Миллий театримизда экан, қизим", — деди. Мана, ўшандан буён Лола Элтоева Миллий театрнинг фидойи актёрлари сафида жўшиб ижод қилмоқда.

Дастлабки қадамлар муваффақияти Лолани жуда илҳомлантирди. У қатор фильмларда суратга тушди. "Воиз"да Ойдин, "Келгинди куёв"да Тўтинисо, "Дилхирож"да Салима, "Кўзларинг маъюс"да ўғай она, "Масхарабоз"да Тешаой, "Домла"да Рисолат, "Қуёши ботмайдиган юрт"да Малика, "Жазо"да Фаридани ўйнади.

Очиқроқ айтганда, истиқлолнинг имкониятлари кўплаб ёш актёрлар каби Лола Элтоевани ҳам ўзини кинода намоён этишга ундади. Миллий театр саҳнасидаги ролларидан ташқари, кино соҳасида ҳам бирин-кетин янги образлар ярата бошлади.

Кейинги йилларда ўзбек киноси ҳаётида катта силжишлар бўлаётганини ҳам айтиш жоиз. "Ўзбеккино" Миллий агентлиги буюртмасига кўра ҳамда хусусий киностудиялар томонидан ўтган ўн-ўн беш йиллик муддат ичида бир неча юзлаб фильмлар ишланиб, катта экранларда намойиш этилди. Бугунги кунда ўзбек киноси дунёга чиқаётгани ҳам рост. Ҳақиқатда жаҳон кинолари жамланмаси учун чет давлатларнинг ҳар биридан биттадан фильм саралаб олинаётганда, Ўзбекистондан бир йўла иккита — "Алишер Навоий", "Тоҳир ва Зуҳра" тарихий фильмлари шу рўйхатга киритилгани барчамизни қувонтирди.

— Ўзбек киночилигидаги қатор ютуқлар мени ҳам суюнтиради, — дейди Лола Элтоева ҳаяжон билан. — Масалан, Францияда 2006 йилнинг апрелида ўтказилган Марказий Осиё фильмлари танловида "Эркак" фильмимиз Гран при мукофотини қўлга киритди. Шунингдек, "Воиз" фильми Анапа шаҳрида, "Чашма" фильми эса Москва шаҳридаги жуда улкан анжуманда Гран прига муносиб деб топилди. Энг юқори мукофотларга сазовор бўлган шу уччала фильмда ҳам мен турли ролларни ижро этганман!

Ҳа, актрисамиз суҳбат давомида қайта-қайта таъкидлаганидек, ўзбек киносига янгича руҳ бахш этаётган режиссёрлар ижодида бу кун шиддаткорлик, изланиш машаққатлари билан яшаш, янгиликка интилувчанлик фазилатлари анча кучайган. Жаҳон режиссураси тажрибалари ҳамда санъат дарғалари ижодидаги ибратли жиҳатларни ўзлаштираётган режиссёрларимиз эндиликда ўзбек киносаноати ривожи учун анчагина заҳмат чекмоқдалар. Лолахон ўзининг катта устозлари Валижон Умаров, Марк Вайль, шунингдек, режиссёрлар Юсуф Розиқов, Жаҳонгир Қосимов, Зулфиқор Мусоқовларнинг фильм олиш жараёнидаги чуқур масъулиятига ҳавас қилади. Кино оламига меҳр билан қадам босишида устозларининг ҳиссаси беқиёс эканлигидан фахрланади.

Мустақиллигимизнинг ўн беш йиллиги байрам қилинаётган кунларда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" унвонини олган Лола Элтоева ўзини ҳамиша қўллаб-қувватлаган театр ва кино ижодий жамоасидан яна бир карра миннатдор бўлди. Чунки, рағбат ижодкорга қувват, илҳом бахш этгувчи кучдир.

Суҳбат орасида у шундай дейди:

— Актриса роль ичида яшаши, яъни руҳий ҳолатлар, ҳиссаяжону изтиробларга томошабинни ишонтириши зарур, шундагина у талантини тўла намоён этади. Камера олдидаги актёрнинг қалбида миллат ғурури жўш уриши, нигоҳларида эса ростлик балқиб туриши керак!

Миллий ғурур туйғуси Лолага ўзгача қайфият бағишлайди, унга қанот беради. Ёш актриса ўзбек аёли феълидаги гўзал фазилатларни маҳорат билан кўрсата билади. Қиз боланинг малоҳати, онаси ва яқинларига меҳри, севгисидаги ҳаёси, қалбининг беғуборлиги, онанинг эса фарзандларига ҳақиқий фидойилиги, оиласига садоқати ва муҳаббати ҳамда турмушдаги ички кечинмаларини у ҳар битта ролида бор бўйича очиб берган.

Ҳар гал актриса ижрога киришаркан, ўзи туғилиб вояга етган хонадонда ота-онасидан мерос бўлиб ўтган самимийлик, соф виждонлик хислатлари ҳамда турмуш ўртоғи ва фарзандларининг унга суянч бўлаётгани муваффақиятларининг асосий сири эканини ич-ичидан сезиб туради.

— Оталаримиз нақадар жасур, оналаримиз қанчалар мунис, опа-сингилларимиз қанчалар назокатли, ўзбек оилалари эса жуда меҳмондўст ва сахий! Мен ана шундай одамлар яшайдиган ажойиб юртнинг фарзандиман, бундан ғурурланаман. Шу халқ учун бир умр хизматда бўламан. Чунки тақдиримни миллатимиз келажагидан айро тасаввур этолмайман, — дейди Лола Элтоева суҳбатимиз якунида.

Биз изланишдан ҳеч чарчамай, фильмдан фильмга юқорилаётган Лола Элтоева ижодини кузатиб борарканмиз, унинг кино оламида ёрқин юлдузлардан бири бўлиб порлашига асло шубҳа қилмаймиз.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.
Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Хотира

Мустақиллик шарофати билан Ватанимиз – Ўзбекистон ҳақида, халқ ҳақида, аждодлар ҳақида, ўтмиш ҳақида, бугун ва келажак ҳақида баралла сўзлаш имконияти туғилди. Истиқлол туфайли, замондош алломаларимиз таъкидлаганларидек, Ватаннинг қадри ортди, халқимизнинг қадди тикланди, инсон зотига эътибор ва эҳтиром кучайди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда меҳнати сингган, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кенг кўламда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашдек эзгу ишлар ижобати йўлида фидокорона саъй-ҳаракат қилаётган ҳамюртларимиз доимо эл назарида, давлатимиз ва жамиятимизнинг мунтазам эътиборидадир.

МЕҲРИБОН УСТОЗ, КАМТАРИН ИНСОН

Айни чоғда ўз ақл-идроки билан жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган аллома ва мутафаккирларимиз, юксак бадиий салоҳияти билан боқий асарлар яратган адибларимиз, халқни маърифатга чорлаган олиму фозил юртдошларимизнинг хотираси абадийлаштирилмоқда, номи тикланмоқда, маънавий мероси ўқиб-ўрганилмоқда. Зеро, Истиқлол ва Ватан туйғуси Ватанимизнинг мустақил ва озод, обод ва фаровон бўлиши йўлида хизмати сингган фидойи кишиларимиз ҳаёти ва фаолиятини ҳамиша ёд этмоқ ҳам демакдир.

Шавкат Ўразаев азиз ва гўзал Ватанимизга юксак эътиқод билан, доим садоқат ила хизматда бўлган ҳамюртларимиздандир. Республикамизнинг давлат ва ҳуқуқшунослик фани ривожида, ҳуқуқшунос ходимлар ва илмий йўналишдаги мутахассислар тарбиялашда бу соҳада ўз мактабини яратган камтарин ва самимий инсон — домланинг хизматлари катта. Устоз ҳаёт бўлганида бугун роппа-роса 80 ёшни қаршилаган бўлар эди.

Ш. Ўразаев 1927 йили Бошқирдистон Республикасининг Чукмагуш туманида туғилган бўлса-да, 1931 йилдан бошлаб умрининг охиригача мамлакатимизда яшаб, илмий фаолият билан машғул бўлди. 1947 йилда Тошкент давлат юридик институтини, 1950 йилда шу институт аспирантурасини тамомлади. 1951 йилда номзодлик, 1962 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Шавкат ака умрининг эллик йилдан ортиқ қисмини таълим-тарбия ишларига бағишлади. Унинг ўзи доимо уқтирганидек, мураббий ва ўқитувчи ёш авлодни маслаҳату қуруқ сафсата билан эмас, аксинча, ўзининг мазмунли маърузалари ва намунали хулқ-атвори билан муносиб тарбиялаши мумкин. У узоқ йиллар давомида ТошДУ — ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг юридик факультетида давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда тарихи фанидан дарс берди.

1969 йилда Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ тарихи бўйича дастлабки қўлланма яратилди. Уни Ш. Ўразаев Х. Эшонов ва Х. Саматова билан ҳаммуаллифликда ёзган. Дарслик ҳуқуқшунослик соҳаси жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Ш. Ўразаев 1970 йилдан эътиборан ТошДУ юридик факультетининг давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедраси мудири бўлиб ишлади. 1966 йилда у Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Иқтисод, фалсафа ва юридик фанлар бўлимининг академик-котиби этиб сайланган. 1966-1970 ва 1989-1993 йилларда эса ЎзФА Президиуми аъзоси бўлган. Шавкат ака 1994-1995 йилларда Тошкент давлат юридик институти ректори вазифасида фаолият кўрсатди.

Заҳматкаш олим 200 дан зиёд илмий-тадқиқот асарлар — монографиялар, рисолалар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, илмий ва публицистик мақолалар муаллифидир. Олим ўз илмий фаолиятида Ўзбекистонда миллий давлатчиликнинг юзага келиши ва ривожланиши тарихини ўрганишга жиддий эътибор қаратди. У узоқ йиллар давомида юртимизда миллий давлатчилик қурилиши назарияси ва амалиётини ишлаб чиқиш жараёнларида муваффақиятли натижаларга эришди. Ш. Ўразаев миллий давлатчилигимизнинг юзага келиши ва ривожланиши ҳамда ҳозирги замон тарихий-ҳуқуқий концепциясини яратишда фаол иштирок этди.

Ш. Ўразаев ҳамиша даврнинг долзарб муаммоларига ҳозиржавоблик билан ёндашар эди. Унинг ҳуқуқ нормаларининг барқарорлиги, ҳуқуқий маданият, қонун лойиҳаларига қўйиладиган талаблар ҳақидаги кўплаб мақолалари бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотган эмас.

Мустақиллик йилларида қайта нашр эттирилди. Шавкат ака мазкур Шарҳга нафақат муҳаррирлик қилди, балки унда кириш сўзи ва Конституцияга доир бир қанча мақолалари билан ҳам иштирок этди. Ушбу нашр талабалар, олимлар ва кенг жамоатчилик учун Асосий қонунимизни ўрганиш борасида муҳим қўлланмага айланган.

Шунингдек, олим оммага Ўзбекистонда давлат қурилиши назарияси ва тарихи, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш каби долзарб мавзулардаги тадқиқотлари билан кенг танилди. У 1990-1993 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси раиси, 1993-1994 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси вазифасини бажарувчи, Олий Мажлис депутати ва парламентнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили лавозимларида хизмат қилди. 1994-2004 йилларда Ички ишлар вазирлиги академиясида профессор бўлиб ишлади.

Ш. Ўразаев республикамизда юқори малакали юрист-мутахассислар, қонунийликни таъминлаш соҳасида меҳнат қилувчи амалиётчи ва фидойи олимларнинг бутун бир авлодини тарбиялаб етиштириш ишига улкан ҳисса қўшди. У кишини назариётчи олим, моҳир педагог сифатида фақат мамлакатимизда эмас, балки Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва МДҲдаги бошқа давлатлар ҳуқуқшунослари ҳам яхши билардилар. Бундан ташқари, олим Буюк Британия, Франция, Росссия каби бир қанча мамлакатларда бўлиб ўтган кўплаб халқаро конференциялар, симпозиум ва учрашувларда иштирок этган.

Атоқли олимнинг республикамиз ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари муносиб тақдирланган. У Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти ва Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби фахрий унвонига сазовор бўлган.

Шавкат ака Ўразаев ғамхўр, эътиборли ва бағрикенг, том маънода зиёли, кўплаб соҳалар бўйича теран билимга эга инсон эди. У билан мулоқотда бўлганлар олимнинг наинки юксак одамийлик фазилатларидан, айни чоғда камсуқумлиги-ю оқиллигидан доимо ҳайратга тушган. Домланинг олимлик, мураббийлик ва одамийлик фазилатлари ҳақида яна узоқ тўхталиш мумкин. У ўзининг илм-фандаги таъби, меҳнатсеварлиги, узоқ йиллик умрини бағишлаган соҳаларга нисбатан самимий ҳурмат-эътибори билан аксарият ҳамкасблари, дўстлари ва шогирдлари учун ҳамиша ўрнак олишга муносиб тимсол эди.

Эндиликда домланинг бой илмий меросини фарзандлари ва шогирдлари давом эттириб келмоқда. Олим билан бирга, ёнма-ён ишлаш бахтига мушарраф бўлганларнинг ёдида бу камтар, меҳрибон, фидойи ва куюнчак инсоннинг хотираси абадий сақланиб қолажак.

Акмал САИДОВ,
юридик фанлар доктори, профессор.

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ – ЕТАКЧИ КУЧ

(Давоми. Боши 1-бетда).

55-Фурқат сайлов округидан сайланган вилоят кенгаши депутати Зокиржон Турсунов эса хусусийлаштириш жараёнидаги камчиликлар давлатга катта моддий ва маънавий зарар етказаётганини аниқ мисоллар билан кўрсатиб берди. У муаммони бартараф этиш зарурати тўғрисида вилоят партия кенгашининг июнь ойида Қўқон шаҳрида ўтказилган сайёр йиғилишида расмий сўров билдирди. Ҳозирда сафдошларимиз юқорида айтилган камчиликларга барҳам беришга сидқидилдан киришганлар.

— «Аёллар қаноти» шўъбаси ишини янада жонлантириш юзасидан қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда? Иш қўламини кенгайтириш, таъсирчанлигини оширишда қайси йўлларни самарали дея оласиз?

— Кенгашимизнинг «Маърифатпарвар аёл қаноти»га ЎзМТДП Қўқон шаҳар кенгаши раиси Саидахон Йўлдошева етакчилик қилади. Бугунга келиб, партия аъзоларимизнинг 40 фоиздан ортиғи аёллар эканлигининг ўзи ҳам бу қанот олиб бораётган ишлар таъсирчанлигини кўрсатиб турибди. Бундан буён фаолият кўламини кенгайтириш ва таъсирчанлигини янада ошириш учун маҳаллаларда, жумладан, уй бекалари ўртасида кўпроқ иш олиб бориш, соғлиқни сақлаш тизими, хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликни кучайтириш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

— Бошланғич ташкилотлар том маънода жойлардаги партия кенгашларининг қанотидир. Вилоят кенгашининг бу борадаги ютуқ ва камчиликлари нималардан иборат деб ўйлайсиз?

— Бошланғич партия ташкилотларимиз 158 та бўлиб, улар партия ғояларини ҳар бир аъзога етказиш ва аҳоли ўртасида тарғиб этишда етакчи куч бўлиб хизмат қилади. Айниқса, уларнинг сайловлар пайтидаги хизматлари беқиёсдир. Шунинг учун кейинги пайтда асосий эътиборни ушбу бўғинга қаратаяпмиз. Жойларда, масалан, Ўзбекистон, Риштон, Ёзёвон, Данғара туманларида бошланғич партия ташкилотлари етакчилари билан ишлар бирмунча яхши йўлга қўйилган. Лекин бу борада камчиликлар ҳам йўқ эмас. Биз марказлашган ҳолда етакчиларнинг доимий ҳаракатдаги семинар-ўқувлари мунтазам ўтказилишига эриша олмадик. Йилнинг тўртинчи чорагида бундай ўқувларнинг туркум машғулотларини ташкил этишни режалаштирдик ва ўйлайманки, бу яхши натижага эришамиз.

— Фарғоналик ёш сафдошларимиз бугун нималар билан машғул? «Ёшлар қаноти» ишини қандай баҳолайсиз?

— Кенгашимизнинг «Ёшлар қаноти» вилоят «Камолот» ЁИҲ билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Ёшлар етакчиларидан Нодира Ортиқова, Нигора Қамбарова, Маъруф Нишонов, Шерзод Исоқов, Феруза Имомалиевалар ишни яхши йўлга қўйишган. Партия ишини етарлича тушунадиган, ташаббускор, фидойи етакчиларнинг тажрибалари бошқа туман кенгашларига ҳам ўрнак бўлишини истардим. Бу борада ҳам тегишли чора-тадбирларни белгилаб, аниқ режалар тузиб олганмиз. Бир сўз билан айтганда, ёшлар енгилмас кучдир. Уларнинг орзу-интилишлари юртимиз келажагини белгилайди.

Ёш сафдошларимиз мана шуни унутмаган ҳолда жойларда турли хил тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашув ва жонли мулоқотлар ташкил қилишмоқда. Озми-кўпми қилинган ишларда ватанпарварлик, эл-юртнинг бугуни ва эртасига эътибор, хуллас, ҳаракатчанлик руҳи сезилади. «Ёшлар қаноти» фаолларининг ҳам келгуси режалари бисёр. Айни кунларда етакчиларимиз ўзаро ҳамкорликни янада яхши йўлга қўйиш устида бош қотиришмоқда.

Гулбаҳор ОРТИҚҲЎЖАЕВА суҳбатлашди.

«Бекободцемент» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатлилиги билан аллақачон харидорларнинг ишончини қозонган. Шу боис уларга бўлган талаб ортиб бормоқда.

Суратда: хомашё цехи бошлиғи ўринбосари Абдуазиз Абдусатторов ҳамда хомашё тегирмони машинисткаси Оксана Ивановалар иш устида.

Азамат АҲМАД олган сурат.

Фармон ва ижро

ЮРТИМ ТОҒЛАРИДА ЯШНАР БОДОМЗОР

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида боғдорчилик тармоғини тубдан такомиллаштириш, ушбу йўналишдаги илм-фан тараққиётини янада жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йил 9 январда қабул қилинган "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазкур тармоқни ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди.

Мамлакатимиз олим ва мутахассислари томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар натижасида янги мева турларини яратиш, мавжудларидан оқилона фойдаланишга эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Р.Р.Шредер номидаги мева-шарбат, боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорациясининг Бўстонлиқ туманидаги тоғли боғдорчилик ва узумчилик филиалида бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

— Илмий жамоамиз тоғли ҳудудларда кўп учрайдиган ёнғоқ, бодом ва бошқа мевали дарахт навларини кўпайтириш ва яратиш устида изчил изланишлар олиб бормоқда, — дейди мазкур филиалнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Абдувоҳид Абдурасулов. — Касалликларга чидамли, маҳаллий иқлим шароитига мос, серҳосил, доривор дарахт навларини яратиш ва истиқболли агротехника қоидаларини ишлаб чиқиш доимий эътиборда.

Истиқлол йилларида жамоамизда тоғли минтақага хос мевали дарахтларнинг ўттиздан ортиқ янги нави яратилди. Жумладан, ёнғоқнинг «Бўстонлиқ», «Идеал», бодомнинг «Тянь-Шан» каби навлари Давлат нав синаш комиссиясига топширилди.

Мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларидаги иқлим шароити бундай ўсимликларнинг, айниқса, бодомнинг ўсиши ва юқори ҳосил бериши учун нисбатан қулай жойлар ҳисобланади. Жумладан, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент каби тоғ олди вилоятлари ва Фарғона водийсида бу каби дарахтлардан жуда мўл ҳосил олиш мумкин.

Бодомчиликда юқори ва сифатли навни танлаб олиш ҳосилдорликнинг муҳим омили ҳисобланади. Чунки мўл ҳосил олишда унинг нави ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳозирда филиалимизда бодомнинг танлаб ажратилган 30 дан ортиқ қимматли ҳамда сунъий чатиштириш йўли билан етиштирилган 12 хилдаги истиқболли нави парвариш қилинмоқда.

Жумладан, «Эртабаҳор» — маҳаллий эртапишар бодом бўлиб, ҳосилдорлиги гектаридан 11,6 центнергача етади. Пўсти юмшоқ, совуққа ва қурғоқчиликка чидамли. Бошқа навларга нисбатан ҳосили сифатли.

"Тянь-Шан" ҳам маҳаллий нав. Мевасининг оғирлиги 2,65 грамм. Августнинг охирида пишиб етилади. Ноқулай об-ҳаво шароитига чидамли, пўчоғи юпқа, йирик. Тоғ шароитига мослашган, қурғоқчиликка чидамли.

Эришилаётган бундай ютуқлар замирида, аввало, серқуёш заминимиз саховати, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ўзгаришлар, хусусан, боғбонларимиз, умуман, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар ва уларни қайта ишловчилар учун яратиб берилаётган кенг шарт-шароит ва имкониятлар самаралари мужассамдир.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА шарҳловчиси.

Нуқтаи назар

ИҚТИСОДИЁТНИНГ УСТУВОР СОҲАСИ:

МУАММО ВА ЕЧИМ

Иқтисодчи мутахассислар томонидан юртимизда ва хорижий мамлакатлар иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти таҳлил қилинганда, унинг ривожланиши муаммоларсиз бўлмаслиги аниқланди.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик фаолияти доимий ҳаракатдан иборат. Шундай экан, республикамизда ушбу соҳа корхоналарининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи сабабларни бартараф этиш, уларнинг фаолиятларини доимий равишда такомиллаштириб бориш механизмларини яратиш лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ривожланишида давлат маҳаллий бошқарув органларининг роли алоҳида эканлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Айниқса, тадбиркорларни ишлаб чиқариш бинолари, иншоотлар, омбор ва савдо жойлари билан таъминлаш масалаларини ҳокимликларнинг саъй-ҳаракатисиз ҳал этиб бўлмайди. Сабаби, маҳаллий бошқарув органлари ўз ҳудудларида жойлашган корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш хусусиятлари, иқтисодий салоҳият ва имкониятлари, ишлаб чиқариш қувватлари ва айни пайтдаги уларнинг бандлик даражаси тўғрисида кенгроқ маълумотга эга бўлади.

Шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг бўш турган қувватлари тўғрисидаги маълумотларни жамлаш, бу борада янгиланиб турувчи ахборот базасини шакллантириш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг имкониятлари устун ҳисобланади.

Ҳозир кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммолардан бири инвестиция лойиҳалари бўйича олинаётган банк кредитларини таъминлашнинг мавжуд эмаслиги ёки кредит манбаларининг тақчиллиги ҳисобланади. Бу борада республикамиздаги бир қатор нуфузли молия муассасаларининг фаолияти таҳлил этилганда, тадбиркорларга берилаётган кредитларни таъминлашнинг етарли даражада эмаслиги масаласи муаммо бўлиб қолмоқда.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман деган кишида интилиш бўлса, бизнеснинг пасту баландликларини яхши билса, албатта, у муваффақиятга эришади.

А. ҲИКМАТОВ,
А. САНАҚУЛОВ,
Тошкент молия институти талабалари.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда

Андижондан келган мутахассислар ўқув даргоҳи билан танишиб, унга ҳавас қилишди. Айниқса, энг сўнгги лойиҳалар асосида тикланган кошонанинг замонавийлиги, ўзида барча қулайликларни мужассамлаштиргани қўшни вилоятдаги ҳамкасбларни мафтун этганди.

ФАРҒОНА САНЪАТ КОЛЛЕЖИ

етук санъаткорлар маскани

— Коллежимиз биносининг андозасини сизлардан оламиз, — дейишди улар ҳайратини яшира олмай.

Меҳмонларнинг меҳрига сазовор бўлган Фарғона санъат коллежининг юртимизда ягоналиги бор гап. Шунинг учун ҳам мамлакатимиздаги турдош ўқув юртларидан бу ерга устоз-мураббийлар тез-тез келиб туришади ва ўзига хос бинонинг чинакам санъат кошонаси даражасига етганлигидан қувонишади. Ахир, бу бир томондан билим масканининг мавқеини оширса, иккинчи томондан келажаги буюк шундай юртга шукроналикни ҳам ифодалайди.

Ўзининг ярим асрдан ортиқ бой тарихига эга бўлган жамоанинг меҳнати мустақиллик шарофати ила янада қадр топди. Ҳамма ҳавас қиладиган соғлом муҳит ўқитувчиларни ишлашга, кадрлар тайёрлашга бўлган иштиёқини оширди. Айни пайтда коллежда ишлаётган 90 нафар мутахассиснинг шу илм даргоҳида етишиб чиққанлигини ўйласак, ёшлар, бўлажак санъаткорлар ўртасида ўқув масканига бўлган қизиқишнинг қанчалик кучли эканлиги аён бўлади. Талабалардаги орзу-интилишларни юзага чиқараётган устозлар ўз иш жойлари билан ҳар қанча фахрлансалар оз. Ахир, истиқлол нури ила нурафшон бўлган коллеж жамоасининг мамлакатимиз санъати ва маданиятини ривожлантиришдаги хизматлари беқиёс. Элимизнинг чексиз меҳру муҳаббатига, олқишига сазовор бўлган Таваккал Қодиров, Абдуҳошим Исмоилов, Султонали Маннопов, Абдулаҳад Абдурашидов сингари Ўзбекистон халқ артистлари айнан шу даргоҳдан етишиб чиққан. Устоз-мураббийларнинг сабоғини олиб, мустақил ҳаётга қадам қўйишган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Абдураҳмон Холтожиев, Замира Раҳматуллаева, Эркин Рўзиматов, Илҳомжон Иброҳимов, Малика Зияева, Насиба Абдуллаевларнинг бугунги камолида ҳам шу севимли масканнинг хизматлари бор.

Кўпчиликнинг устози, моҳир ташкилотчи ва тажрибали раҳбар Юсуф Гофурбеков 20 йилдан буён коллежни бошқариб келмоқда. Ўзидан аввал бу ерда кўп йиллар директорлик қилган устози, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" Ҳакима Максумованинг энг яхши ишларини давом эттириб, катта обрў-эътибор топди. Айнан Юсуф Пўлатовичнинг бевосита иштироки билан 2002-2004 йилларда бу ерда реконструкция ишлари мукаммал даражада олиб борилди. Лойиҳачилар билан ҳар бир чизма устида баҳамжиҳат бош қотирган директор коллеж биносининг замон талабларига жавоб берадиган даражага етказишга катта эътибор берди. Натижада Ўзбекистонда шу тизимдаги ягона кошона вужудга келди.

— Ўқув масканимиз мамлакатимизга 12 та йўналиш бўйича мутахассис етказиб бермоқда, — дейди коллеж директори Юсуф Гофурбеков. — Уларга 102 нафар ўқитувчи ва санъат усталари қунт билан сабоқ бериб, санъаткорлик сирларини ўргатишмоқда. Айниқса, "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби, Халқ таълими аълочиси Нортожи Юсупова, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими аълочилари Олимжон Юнусов, Муҳаммаджон Холиқов, соҳа фидойилари Кимсанхон Аҳмедова, Лилия Усмонова, Гулнора Шодиева, Олимжон Эшонов, Нигора Рустамова сингари педагогларимизнинг кўп йиллик хизматлари, айниқса, яхши самара бермоқда.

Бу йил ўқув юртини 140 нафар ёш битирди. Уларнинг орасидан 21 нафар ўқувчи имтиёзли диплом олишга муваффақ бўлди. Бундан ташқари, шу ўқув йилида ўқув даргоҳининг истеъдодли ёшлари "Келажак овози" республика кўрик танловининг вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритдилар. "Анъанавий ижрочилик" бўлими 3-босқич ўқувчиси Гулруҳ Отақулова Президентимизнинг ёш истеъдодлар учун таъсис этган "Ниҳол" мукофоти совриндори бўлди. "Республика ёш ижрочилари" кўрик-танловида қатнашган 25 нафар талабанинг 4 нафари биринчи, 7 нафари иккинчи, 3 нафари эса учинчи ўринни эгаллади. Ўтган йили эса коллеж битирувчиси, хушовоз хонанда Гулсанам Мамазоитовага "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" фахрий унвони берилди.

Коллежда оммалаштиришга арзигулик бой тажрибалар тўпланган. Шунга монанд йил сайин ютуқлар ҳам ортиб бормоқда. Энг муҳими, ишчан жамоа ташаббускор раҳбар Юсуф Гофурбеков бошчилигида санъатсевар халқимизга сидқидилдан хизмат қиладиган мутахассислар етказиб беришдек шарафли ишга муносиб хисса қўшмоқда. Бўлажак санъакторлар маскани илм ва касб-ҳунар эгаллашга иштиёқманд ёшлар билан янада чароғон бўлаяпти.

Рустам ДОСТОН.

АМУДАРЁЛИКЛАР ФАХРИ

ёки Дўрмон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи фаолиятига бир назар

Амударё туманидаги Йўлдош Ўрозбоев номли фермер хўжаликлари бирлашмасининг марказида Дўрмон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи жойлашган. Маҳаллий аҳолининг қувончини оширган бу муҳташам иншоот истиқлол шарофати ила юзага келиб, юртимиз равнақи учун хизмат қилмоқда. Ўз фарзандларининг шундай даргоҳда ўқиётганликларидан отаоналарни қўйинг, ҳатто уларнинг яқинлари ҳам беҳад тўлқинланишмоқда.

Мустақилликнинг ўтган йилларида амударёликлар бошига ҳам бахт қуши қўнди десак, муболаға бўлмайди. Янги мактаблар, бир-биридан кўркам бинолар қад ростлади. Бу ишлар туман маркази билан бирга чекка ҳудудларни ҳам қамраб олди. Бўлмаса, Туркманистон билан чегарадош Дўрмондай чекка бир қишлоқда шундай коллеж ишга туширилармиди. Юртбошимизнинг ёшларга бўлган беқиёс ғамхўрликларининг шарофати бу. Хайрли иш масофа танламайди. Мамлакатимиз пойтахти бўладими ёки Ватанимизнинг чекка бир ҳудудими, ўз самарасини кўрсатаверади.

Таълимдаги ислоҳотлар изчил амалга оширилаётган Дўрмон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида ҳозир янги ўқув йилига қабул поёнига етмоқда. 8 та йўналиш бўйича мутахассис бўлиб етишишни ният қилган маҳаллий йигит-қизларнинг орзулари ушалаяпти. Бундан ташқари, коллежнинг юқори босқичларига ўтган ўқувчилар таътилни мароқли ўтказиш билан бирга соҳалари бўйича амалиётларда қатнашишмоқда.

— Бизда ўқиш ғоятда қизиқарли, — дейди коллеж директори Нориммат Абдуллаев. — Чунки қишлоқ хўжалиги долзарб соҳа. Унга ўрта бўғин мутахассислари тайёрлаб бериш катта масъулиятни тақозо этади. Бу ишни биз замон талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширяпмиз. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ва таълимда изчил амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ меҳнат қилаётган педагогик жамоамиз 50 нафар ўқитувчи ва таълим усталарини бирлаштирган. Ҳар доим бўлгани каби шу ўқув йилида ҳам улар 920 нафар ўқувчининг малакали мутахассис бўлиб етишиши учун астойдил меҳнат қилишди. Отамурод Юсупов, Райҳон Жуманиёзова, Турсунгул Матсафоева, Эргаш Қурбонбоев сингари тажрибали педагогларимиз ёшларга пухта билим беришмоқда. Ўғил-қизлар қалбида танлаган касбларига нисбатан қизиқишни кучайтиришяпти.

Мустақилликнинг 16 йиллигида коллеж жамоаси учинчи битирувчиларни ҳаётга кузатди. Қўлига диплом олган 300 нафар ўғил-қизнинг қувончини бир кўрсангиз эди. Энди улар қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишади. Элимиз, юртимиз учун муносиб фарзанд бўлиб етишганликларини амалий меҳнатлари билан намоён этадилар. Ўқишга кираётган 420 нафар ўғил-қиз эса коллеждаги анъаналарни изчил давом эттириб, билим ва касб-ҳунар эгаллашади.

Салкам ўттиз йиллик иш стажига эга бўлган, коллежнинг қурилишига бош-қош бўлиб, тўрт йилдан буён ўқув даргоҳини бошқариб келаётган Нориммат Абдуллаев жамоа иқболи, ёшлар камоли учун куч-ғайратини аямаяпти. Унинг раҳбарлик салоҳияти боис педагоглар ўртасида ижодий муҳит, ишчанлик кайфияти, ўқувчи ёшлар орасида эса устозлар меҳнатига чексиз ҳурмат-эҳтиром мавжуд.

Малакали мутахассислар тайёрлаш учун барча шароитга эга бўлган коллежда кенг ва шинам ўқув хоналаридан ташқари замонавий жиҳозлар билан жиҳозланган компьютер ва кимё хоналари, 3 та физика лабораторияси ва лингофон хонаси, усти ёпиқ спорт зали, 100 ўринли ётоқхона, 92 ўринли ошхона, катта китоб захирасига эга бўлган кутубхона ишлаб турибди. Шундай қулайлик ва ғамхўрликларга ёшлар ўзларининг қизғин саъй-ҳаракатлари билан амалий жавоб беришмоқда. Жумладан, Шаҳноза Жуманиёзова ўзбек тили ва адабиётидан ўтказилган фан олимпиадасида биринчи ўринни, Нилуфар Бобожонова эса иккинчи ўринни, Гулзебо Абдуллаева ҳуқуқ фанидан учинчи ўринни олиб, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий босқичининг ғолиби бўлишди. Бундан ташқари, туман бўйича ўтказилган "Зулфияхоним қизлари", "Юрт ўғлонлари" танловларида коллеж ўқувчилар жамоаси фаол қатнашиб, биринчи ўринни эгаллашди. Улуғбек Жумамуродов эса "Энг истеъдодли истеъмолчи — 2006" республика кўрик-танловида рағбатлантирувчи мукофотга эга бўлди.

— Коллежимизнинг "Жанговор" командаси 2005 йилда Қорақалпоғистон республикаси бўйича ўтказилган "Шунқорлар" ҳарбий спорт мусобақасида ғолиб бўлди, — дейди Нориммат Абдуллаев. — Шу йили Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган якунловчи босқичда эса учинчи ўринни эгаллади. Ёшларимизни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Атамурод Юсуповнинг хизматлари катта бўлмоқда. Унинг раҳбарлигида ташкил этилган ҳарбий машғулотлар доимо қизиқарли ўтади. Соҳа мутахассисининг тажрибалари оммалаштирилиб, Қорақалпоғистон республикасида фаолият юритаётган 78 та касб-ҳунар коллежи ва бешта академик лицейнинг ёшларни ҳарбий чақириққа тайёрлаш раҳбарлари иштирокида кўргазмали семинар ташкил этилди. Атамурод Юсуповнинг ўзи эса "Ўзбекистон республикаси ўрта махсус касб-ҳунар таълими аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ўтган йили коллежга Польша республикасининг имтиёзли кредити доирасида 210 минг АҚШ доллари ҳисобида томат пастаси ва соки, ўрик мураббоси ишлаб чиқарадиган мини цех жиҳозлари келтирилди. Бу билан туманда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта тайёрлайдиган биринчи цех юзага келди. Жамоанинг эса бюджетдан ташқари маблағ топиш имкониятлари кенгайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, коллеж йилдан-йилга катта имкониятларга эга бўлиб бормоқда. Ҳозир уни кўпчилик Амударёнинг фахри дейишади. Бу бежиз эмас. Юлдуз тўла осмон одамларни маҳлиё этгани каби коллеж ҳам худди юлдуздек порлаб юртимизнинг бой имкониятларини кўз-кўз қилмоқда.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

ЖИЗЗАХЛИК ЁШЛАР ҲАВАС ҚИЛАДИГАН ДАРГОҲ

Мустақил юртимизнинг порлоқ келажагини қуриш билимли, тафаккури бой, ғайрат-шижоатли ёшлар қўлида. Бундай ёшлар эса юртимизда минг-минглаб топилади. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қатор коллежлар истеъдодли ёшларни ўз бағрига жамлаган. Жиззах транспорт, алоқа касб-ҳунар коллежи ҳам шундай илм масканларидан бири.

Айни пайтда 2480 га яқин ўқувчи таълим олаётган билим юртида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, автомобиль транспортида юк ташишни ташкил этиш ва ҳаракатини бошқариш, ЭҲМ ва компьютер тармоқларини ўрнатиш ва ишлатиш, информацион ва коммуникацион тизимлар, саноат корхоналари ва фуқаро биноларини электр таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш, бухгалтер-аудитор, молия, ҳуқуқшунос-иқтисодчи йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади. Билим даргоҳининг 2002 йилда тўлиқ қайта таъмирдан чиқарилган ўқув биносида 43 та ўқув хонаси мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси фан кабинетлари сифатида жиҳозланган. Маъмурий бинода 240 ўринли мажлислар зали, 200 ўринли ошхона, спорт зали, кутубхона ва ўқув зали, маънавият ва маърифат хоналари ишлаб турибди. 100 ўринли ўқув залига эга бўлган Ахборот-ресурс маркази, 6 та компьютер синфлари, лингафон, кимё, биология, физика лаборатория хоналари ташкил қилинган. Бундан ташқари, 2 та спорт майдончаси, замонавий техника воситалари билан таъминланган ўқув, амалиёт учун мослаштирилган устахона ва 4 та автомобилларда юк ташиш, автомобилларни ишлатиш ва таъмирлаш йўналишлари учун мўлжалланган хоналар талабалар хизматида.

Юқорида айтиб ўтилганлардан ҳам билса бўладики, коллеж талабаларининг қунт билан ўқиб-ўрганишлари, касб-ҳунар сирларини мукаммал эгаллашлари учун барча шароитлар яратилган. Ўз ўрнида ёшлар ҳам ўзларининг аъло баҳоларга ўқишлари, жамоат ишларидаги фаол иштироклари билан бунга муносиб жавоб қайтаришмоқда.



Бугуннинг илғор кишиси бўлиш учун ахборотлар, янгиликлар билан ўз вақтида танишиб бориш зарур. Бу ерда ташкил этилган Ахборот-ресурс марказидан талабалар ва уларнинг устозлари ана шу мақсадларда фойдаланишаётир. Тизимли ва алифболи каталоглар китобхонларнинг зарур китоб ва қўлланмаларни топишида қўл келади. Интернет тармоғига уланган замонавий компьютерлар билан жиҳозланган ахборот олиш бўлими ҳам ҳамиша гавжум. Бу ерда республикамиз ва хорижий мамлакатлар электрон кутубхоналаридан ўқув юртида мавжуд бўлмаган адабиёт ва маълумотларни олиш, фойдаланиш имконияти бор. Қироатхонада вақтли матбуот нашрлари тахламлари доимий сақланади. Кутубхона фонди 39898 нусхадаги умумтаълим фанлари, ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиётлар, услубий қўлланмалардан иборат.

— Ўқув муассасамизда 170 нафарга яқин педагог фаолият юритишади, — дейди коллеж директори Мелибой Аҳмедов. — Улар орасида 38 нафар олий тоифали, 47 нафар биринчи тоифали, 34 нафар иккинчи тоифали ўқитувчилар бор. Коллеж жамоаси «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби, Халқ таълими аълочиси Абдуқаҳҳор Абдужабборов сингари тажрибали, касбига садоқатли устозлари билан ҳақли равишда фахрланади. Ўқитувчи мураббийларимиздан бир нечтаси Ўрта махсус касб-ҳунар таълими Маркази билан Германиянинг «Invent» фонди ўртасида имзоланган шартнома асосида ўтказилган танловда ғолиб бўлиб, Германиянинг Золинген, Берлин, Манхайин шаҳарларида ўз мутахассисликлари бўйича малакасини ошириб қайтишди. Бу каби устозларнинг педагогик ва касбий маҳоратлари талабаларимизнинг ўқишга ва касб-ҳунар эгаллашга бўлган иштиёқи ошишида катта аҳамият касб этмоқда.

Ўқув юрти раҳбарияти умумтаълим мактаблари билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатган. Жиззах шаҳридаги 2, 6-умумтаълим мактаблари, Жиззах туманидаги 4-умумтаълим мактаби билан коллеж жамоаси ўртасида доимий яқин алоқа ўрнатилган бўлиб, уларнинг самараси ўлароқ, турли хил маънавий-маърифий тадбирлар, ўқув-амалий машғулотлар мунтазам ўтказилиб келинади. Мактабни тугатган ўқувчиларнинг вилоятда ўзига хос нуфузга эга бўлган коллежда ўқиш истагини билдираётганлари ҳам шу ҳамкорликлар натижаси бўлса, не ажаб.

Ёшларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом ва баркамол бўлиб тарбияланишлари учун педагоглар жамоаси махсус режа асосида иш олиб боришади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари тарбия ва мулоқот соатлари ташкил этилган. Фан ва спорт тўгараклари ҳам худди шу мақсадларни кўзлаб фаолият юритмоқда.

Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ҳам бир қанча тадбирлар уюштирилаётир. «Ватан сизни кутмоқда», «Ватан, фарзандингман», «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз», «Гиёҳвандлик — аср ваболи» сингари тадбирлар ана шулар жумласидандир. Уларнинг турли хил зарарли, ёт оқимлар таъсирига тушиб қолишлари, жиноятчиликнинг олдини олишни кўзлаб ички ишлар идоралари ходимлари, маҳалла фаоллари, ота-оналар иштирокида йиғилишлар ўтказилиб, кенг тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам олиб борилаётир.



Коллеж маъмурияти томонидан амалга оширилаётган хайрли тадбирлар ҳам ўзининг самарасини бермоқда. Хусусан, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан ўқув йилининг якуний мониторинги бўйича ўтказилган танлов натижаларига кўра, коллеж биринчи ўринни эгаллади. Ғолиб жамоа компьютер жамланмаси билан мукофотланди. Шунингдек, «Энг яхши ўқув устахонаси» танловида, «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида ҳам талабалар фахрли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишмоқда.

Ўтган йили «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг республика босқичида коллежнинг «Қомус» жамоаси фахрли биринчи ўринни эгаллади. «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақасида эса коллеж жамоаси иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлишди. «Энг яхши китобхон» кўрик-танловининг вилоят босқичида М. Қудратова биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Айни пайтда Жиззах транспорт, алоқа касб-ҳунар коллежида янги ўқув йили учун пухта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Айтиб ўтилганидек, фарзандининг бу ўқув масканида ўқишини, касб-ҳунар эгаллашини истаган ота-оналар, нуфузли коллеж талабалари сафидан жой олишни орзу қилган ёшлар бисёр. Зеро, ўқув даргоҳида яратилган шарт-шароитлар ҳам шунга муносиб.

Сардор ТОШТУРДИЕВ,
талаба. ®

Маънавият сабоқлари

УСТОЗЛИК НОМИГА ДОҒ ТУШИРМАЙЛИК

Ҳаётда кўп шогирд бўлдигу ҳануз,
Дунёнинг ишига устоз эмасмиз.
Умар ҲАЙЁМ.

Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар деган мақол бор халқимизда. Чунки ота-она фарзандининг дунёга келишига сабабчи бўлса, устоз уни етук инсон бўлиб етишишига бутун маҳоратини, илмини сарфлайди. Демак, ота-она зурриётини қоронғилик оламидан ёруғлик дунёсига келтиради, тарбиялайди ва вояга етказади.

Устоз эса одамларга фойдаси тегадиган касб-ҳунар ва илм соҳиби қилади. Ҳар икки жабҳа меҳнатининг, савобининг баҳоси йўқдир.

Устоз шогирди билан тенгма-тенг меҳнат қилади, муаммолар ечимини излайди, касб-ҳунар сирларини пухта ўрганади. Хуллас, ўргатиб, ўрганади, яъни игна билан қудуқ қазийди, зулматдан зиё излайди. Шундай қилиб зарралар, мисқоллар ҳисобига йўқдан кўз илғайдиган, кўринадиган ечимлар ҳосил бўлади. Зеро, устоз билими, тажрибаси, маҳорати сезилмаган ҳолда шогирдга ўтади. Уни пиллапоялардан аста-аста кўтариб, юксакликка олиб чиқади. Бу меҳнат, меҳнат бўлганда ҳам чинакам меҳнат, унда қалб қўри, кўз нури, кафтлар ҳарорати, дили-жони йўғрилган, муштараклашиб кетган бўлади. Бу ўта нозик жараён, уни оила, мактаб, олий ўқув юртидаги босқичлардан фарқламак керак.

Шогирдлик йўли ўзгачадир. Бунда устознинг инсоний, маънавий-маърифий, маданий, ғоявий, эътиқодий феъл-атворлари, қарашлари ҳам шогирдига ўтиб боради. Ўзи сезмаган ҳолда сингиб, мустаҳкамланиб қолади. Қадимда ҳам, ҳозирги кунимизда ҳам: «Сиз кимнинг шогирдисиз?», — сўроғига жавоб олиниши биланоқ, унинг қандай мутахассис ва қандай инсонлиги маълум бўлади. Ниҳоятда улуғ устозлар яратган мактаблар, улар етиштирган шогирдлар, биргина юқоридаги савол асосида аниқланиб, баҳосини топган.

Ирсий ва наслий хусусиятларга келсак, бу қарашларда ҳам жон бор. Қонда яхши-ёмон хусусиятлар бўлишини тиббий-биологик, табиий-экологик қарашлар, кузатишлар, тадқиқий жараёнлар хулосасида мавжуд.

Насл қолдириш барча махлуқоту мавжудотларга хос бўлган табиий хусусиятдир. Ижодкор боболаримиз ҳам айни шу хусусда пурҳикмат асарлар ёзишган.

Кучук бирла хўтикка
қанча берма тарбият,
Ит бўлур, эшак бўлур,
бўлмаслар асло
одамий, —

деганлар Навоий бобомиз. Улуғ бобомиз яна бир шеърий ташбеҳларида:

Ҳақ йўлида ким сенга
бир ҳарф ўқитмиш
ранж ила,
Айламак бўлмас
осон онинг ҳақин юз
ганж ила, —

деганлар. Адолат, ҳақ, имон-эътиқод йўлида устознинг ўргатган бир ҳарфининг қиймати шунчалар беҳисоб ва савобли экан. Сўфи Оллоёр ҳазратлари:

Агар бўлмаса
йўл бошлагувчи пир,
Солур бўйнингга
ногоҳ доми тазвир.
Агар бўлмаса
бир соҳиб каромат,
Эмас мумкин киши
етгай саломат.

Олиҳиммат йигитларга, қизларга ҳам устозу пир зарур. Илгарилари ўтин ёрганга — бир танга, устозлик қилиб, ўргатиб турганга ўн танга ҳақ берилар экан. Сўфи Оллоёр айтадиларки, кўп ҳам наслнасабга маҳлиё бўлиб, ғурурланмагин:

Ишонма отага,
қолма талабдин,
Сўралмасдур
қиёматда насабдин.
Ҳасаб фавқи насабдур
эй наку ҳол,
Йипак тўндин ўтар хўп
ишлаган шол.
Қорача ўғли хожа
ўғлидан кам,
Муаллим бўлса
саййиддан ўтар ҳам.

Улуғ боболаримизнинг юқорида тилга олинган шеърий ташбеҳларида ўгитли маънолар бисёрдир ва унинг таъсир доираси ҳам беқиёсдир.

Илм фақат машаққатли, заҳматли меҳнат ва ҳалоллик йўлидир. Бунга ғирромлик, ҳаром иш аралашмаслиги керак. Ҳадис илмининг султони, муқаддас Қуръони каримдан кейинги ўринда турадиган «Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ» номли 4 жилдли «Ишончли ҳадислар» тўпламини ёзган, юз минг саҳиҳ ва олти юз минг ғайрисаҳиҳ ҳадисларни ёддан билган улуғ бобомиз Имом ал-Бухорий: «Китобимга таҳорат қилиб, икки ракаат намоз ўқимай туриб, биронта ҳам ҳадис киритмаганман», — деганлар.

Устозларнинг устози, Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан кейинги мақомга муяссар бўлган Имом ал-Бухорий ҳақида машҳур олим Ал-Фирабрий «Бу зоти бобарокатдан тўқсон минг киши ҳадис эшитган, улар устознинг шогирдлари», — деганлар. Имом ал-Бухорийга улуғ Устозлик мақоми чин ихлосу эътиқод, поклик ва ҳалоллик олиб келган экан. Ҳатто у киши узоқ йиллардан сўнг ватанлари — Бухорога қайтиб келганларида, амир Холид ибн Аҳмад аз-Зуҳлий Имом ал-Бухорийдан ўзи ва ўғилларига: «Саҳиҳ ал-Бухорий» ва «Ат-Тарих ал-Кабир» асарларидан саройга келиб сабоқ беришларини сўрайдилар. У зоти бобарокат бўлса: «Мен илмни хор қилиб, ҳукмдорлар эшигига олиб бормайман. Илм Аллоҳники, илм олмак фарз, бизга Пайғамбар (с.а.в.)дан мерос, барча хосу авомга бир хил — тенг, агар амирга илм олмак зарур бўлса, ҳамма қатори масжидга ёки уйимга марҳамат қилсинлар», — деганлар.

Узоқ вилоятда бўлганимда бир олим кишининг бой ва амалдор кишиларнинг уйига бориб, болаларига исломий ва дунёвий илмлар ўргатиб, устозлик қилиб юришини айтишди. Бунинг аслида ёмон томони йўқ. Лекин одамлар орасида ўзини ёшига мос келмайдиган бу иш билан тарғиб қилмоқ ҳам яхши эмас. Бунда бизга Имом ал-Бухорий тутган йўл бир сабоқ бўлиши керак.

Амали ва бойлигига ишониб, илм мартабасини пул билан эгалламоқчи бўлганларга юқоридаги улуғ бобомиз жавоблари бир ибратдир. Айрим ўзини устоз ҳисоблаганлар манфаат кўриш мақсадида илмни хор қилаётганлари ҳам ҳаётда учраб туради. Хусусан, ноҳақ ва ҳаром йўл билан илмий унвонларга эришишлар ҳам мавжуд. Бу ҳолат касб-ҳунар ўрганишликда ҳам содир бўлиб турибди. Улуғ бобомиз, тариқат илмининг дарғаларидан бири Аҳмад Яссавий: «Зоҳид бўлма, ориф бўлма, ошиқ бўлгин, Меҳнат қилиб, ишқ йўлида содиқ бўлгин», — деганлар.

— Обрўли ва марҳум академиклардан бири, — дейди Бердибой деган танишим, — вилоятлардан бирида ўзи раҳбар бўлган институтнинг талабаларидан бирини Тошкентга олиб келди. Уни бир коса сувга солиб ютиб юборсам дейсиз. Ўта келишган ва чиройли қиз эди. Аввал тадқиқотчи, сўнг аспирант бўлди Ҳилолахон, фақат... Мақсадига эришган академик энди у қизга бурилиб қарамай қўйди. Ҳилолахон ҳам «бўш» келмади. Ҳаром йўл билан фан номзоди бўлди. Йўрғалаб-йўрғалаб қанча оилаларнинг ризқини қисди. Саъй-ҳаракатлари бекор кетмади. Фан доктори унвонига ҳам осонликча эришди. Кейин лабораторияга раҳбар бўлди. Яна ва яна кўтарилди, ўзи устоз, шогирдлари бўлса кўп. Нуқул поклик, ҳалоллик ҳақида гапирадилар. Ўзи бўлса... Бировларнинг айби пешонасида ёзилган бўлар экан. Уни тез кўриб, тез ўқиб оласиз. Одамнинг ўзиники эса, елкасининг чўқурида кўринмайди. Одил ҳукм шундаки, ўзини «покман, ҳалолман» деб одамларни анойи ҳисоблаганлар қаттиқ адашадилар. Кўргувчи Аллоҳ бор, у елканинг чўқуридагини ҳам, қалбнинг тўридагини ҳам кўради.

Ҳаёт Ҳилолахонга омад билан омадсизлик, бахт билан бахтсизликни бирга берди. Оқибати хунук якун топибди. На эри, на фарзанди бор. Қариб қолган Ҳилолахонни ўй, тақдир қисиб қўйибди. Юрагини чангаллаб, ёлғиз уйда жон таслим этибди.

Устозларда, энг аввало, имон бутунлиги бўлмоғи, риё ва таъмага ўрин бўлмаслиги лозим. Камтаринлик уларга либос бўлсин! Олтин, олмосга ғубор тушмайди, тоза асал эса айнимайди. Ҳақиқиат эгилса-да, синмайди.

Қоғозга туширилаётган бу воқеа ҳақида муаллифнинг ҳеч бир хусумати йўқ. Фақат ҳаётда ҳар бир нарсани ўз номи билан атамоқ керак деб ўйлайман. Одам айтадиган гапини мардона туриб айтиши керак!

Низомиддинни адабиётга бошлаган ота-онаси, илк устозлари бўлса-да, лекин унга Фаридиддин Атторнинг «Мантиқут-тайр» асарининг таъсири ҳам катта бўлган. Навоий бобомиз ҳам бу китобни ёддан билганлар. Бу китоб у кишига устозлик вазифасини ўтаган дейдилар.

Бу борада бир ривоятни тилга олиб ўтишни лозим топдик.

Бир шоҳнинг ёлғиз ўғли бўлиб, у ниҳоятда эркатой, нодон экан. У бирон-бир ишнинг уддасидан чиқмас экан. Шоҳ кўп ўйлаб, охири бир фикрга келибди ва ўғлини фолбинликка қўйибди. Устоз фолбинлар шаҳзодани шогирдликка олибди. Кўп машаққатлар чекишиб, фолбинликнинг сир-асрорларидан шаҳзодани воқиф этишибди. Орадан йиллар ўтибди. Ниҳоят шаҳзодани юрт подшоҳининг қўлига топширишибди.

Подшоҳ ўғлини синаб кўрмоқчи бўлибди ва узугини кафтига яширибди ва:

— Айт-чи, қўлимда нима бор? — деб сўрабди.

Шаҳзода қумга чизиб ром очибди ва:

— Қўлингиздаги нарса ўзи юмалоқ, ўртаси тешик, — дебди.

— Баракалла, болам! Аломатларини айтдинг, энди нималигини, отини ҳам айт-чи, — дебди шоҳ.

— Бу — тегирмон тоши, — дебди шаҳзода.

— Ҳа, илм кучи билан барча аломатларини тўғри айтдинг. Лекин одам кафтига тегирмон тоши сиғмаслигига сенинг фаҳм-фаросатинг етмади, — дебди шоҳ.

Илм ёлғиз ўзи бўлмайди. Унинг ҳам таянч қўллари, оёқлари бўлади. Қиёсий таққослаш, ечимларга шарҳ, таҳлил, хулосалар ясаш учун фаҳм-фаросатли мулоҳазалар ҳам зарур бўлади. Улуғ боболаримизда ана шу хусусиятлар мавжуд бўлган, албатта.

Устозлик мақомини улуғлаб кетган Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Имом Термизий, ал-Хоразмий, ал-Фаробий, ал-Беруний, Ибн Сино, аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Юсуф Хос Ҳожиб, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Югнакий, Мирзо Улуғбек, Навоий кабиларни қанча улуғласак, хурматласак, озлик қилади. Ҳабиб Абдуллаев, Қори Ниёзий, Абдулла Авлоний, Ойбек, Миртемир, Шайхзода, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъди Сирожиддинов, Убай Орипов, Обид Содиқов, Собир Юнусов, Аҳрор Музаффаров, Жўра Саидов, Асқар Холмуродов кабилар ҳақида ҳам ҳароратли, илиқ гапларни айтишимиз керак бўлади.

Устозлик ҳақида фикр юритдик. Устозлар кўп. Устоз Жалолиддин Румий: «Ҳақиқий олимнинг билими ибтидо ва интиҳода Аллоҳ учун қилинган билимдир», — деганлар. Биз эса илм икки дунё саодатига хизмат қилсин, деймиз.

Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ,
доцент.

Китобингизни ўқидим

АЁЛ ҚАЛБИ ҲАЙРАТЛАРИ

Шеър — кўнгил мулки. Оташин ҳайқириқни кўнгилдан сатрларга кўчириш буюк жасорат.

Оламга, одамга меҳру муҳаббат билан ёндашган аёлнинг ишқи кўп нарсаларга қодир. Бунга Гулистон Давлетованинг «Аёл ишқи» номли китобини ўқиб амин бўлдим.

Мўъжазгина бу китобдаги шеърларнинг ҳар бир сатрида қорақалпоқ халқининг урфу одатлари, удумлари, донишмандлиги ва заковати сезилиб туради. Шоира туғилган жой, одамларга, ботир йигитлару санам қизларга эҳтиромини чиройли шеърларда ифодалаган. У бир шеърида: «Фарзандиман шонли Орол халқининг», — деб ёзади. Халқининг юксак инсоний хислатлари, камёб фазилатлари билан ифтихор қилади. Элининг метин жони Амударё билан, Орол билан эгиз эканлигини англаб шундай деди:

Сен Жайҳунсан, асов отинг кечганди,
Фақирим-ей, кўтарсангчи елкангди.
Қонга қоришса-да лойқа сувларинг,
Қорақалпоқ сени ташлаб кўчмади.

Гулистон Давлетова ўз шеърларида аёлнинг ишқи мезонларга сиғмаган ўзгача бир ишқ эканлигини таъкидламоқчи бўлгандек. Бу шеърларда ҳар бир аёл ўзини кўриши табиий. Шоира аёлни аввало ўзини, ўзлигини англашга чақиради.

Ҳурматингга шоҳлар таъзим этардай,
Таърифингга қоғоз ёниб кетар-ай,
Ой жамолинг эслаган бир йўловчи
Саҳро чўлдан сув ичмасдан ўтар-ай,
Қудратли бир кучсан, Ҳазрати Аёл

Сўзимиз сўнгида шоира Гулистон Давлетова шеърларининг мазмун моҳиятини ўзида жамлаган, таржимон томонидан китобга ёзилган «Ўчмас ҳаёт чироғи» сарлавҳали сўзбошидан қуйидаги парчани келтиришни жоиз топдик:

«Шеърларида Аёллик бахти фақат аёл бўлишдагина эмас, балки бутун миллатнинг юкини кўтара билишда, миллатни аёлча ардоқлаб, халқнинг «Аёл!» деган шонли ардоғига эришишда эканлигини мадҳ этади».

Шаъбон СОДИҚОВА.

ВАТАННИ СЕВМОҚ МУҚАДДАС БУРЧ

Бир донишманддан сўрашибди:

— Сиз учун энг улуғ ва мўътабар нарса нима?

— Ватан, — дебди у.

— Сабаб? — сўрашибди яна.

— Сабаби шу тупроқ, шу замин, мен туғилиб ўсган, киндик қоним тўкилган жой. Шу ернинг тузини тотиб, сувини ичиб, ҳавосидан нафас олиб, улғайиб, камол топдим. Шунинг учун у мени дунёга келтириб, тарбиялаб катта қилган онам каби муқаддасдир.

Онани Ватанга, Ватанни онага таққосланишининг боиси ҳам ана шунда бўлса керак.

Ахир, шоир ҳам:

Менинг икки онам бор,
иккиси ҳам меҳрибон.
Бири менга сут берган,
бири эса ширин нон.
Бири туққан онамдир,
иккинчиси ҳур Ватан,
Иккисига баробар қурбон
бўлсин жону тан, —

дея шеър битиши бежиз эмас-ку.

Ватан тарбиясинй аслида оила қучоғидан бошлаш лозимдир. Биламизки, кичик болаларда Ватан фикри бўлмайди. Улар учун Ватан она қучоғидир. Болалар оилани севиб Ватанни севишга кўникадилар. Шу боис, оила муҳити Ватан муҳитининг асосини ташкил қилади. Ўз оила аъзоларига нисбатан туйғуга эга бўлмаган, уларга фидойилик қилишни билмаган ҳеч бир киши Ватанга ҳам фидойилик қила олмайди. Аввало, уларнинг кўнгилларига қувватни, оила муҳитини сингдиришимиз, шу билан бирга ватандошларимизга нисбатан муҳаббат хисларини уйғотишимиз лозим.

Ўзингни Ватанга қанчалар яқин ҳис қилсанг, уни шу қадар жонли вужуд каби аниқроқ ва севиброқ тасаввур қиласан.

Ҳусайн Воиз Кошифий айтади:

— Ватан шарафи учун ғайрат билан ишга киришган киши машаққат тортишдан қўрқмасин. Агар ғайрати соясида мақсади ҳосил бўлса, демак у муродига етибди, мабодо иши етарли даражада бўлмай, кейинга қолиб кетса, оқиллар қошида у киши узрлидир. Ватанга хизмат қилишдек улуғ мақсад йўлида ҳиммати баланд бўлган киши халқ кўнглида сақланади.

Демак, Ватанни севмоқ бу муқаддас бурч.

ФАЙЗИБОНУ
тайёрлади.

Жаҳон ҳафта ичида

Ҳарбий ёрдам бериш эвазига

АҚШ келгуси 10 йил ичида Мисрга 13 миллиард доллар, Исроилга 30 миллиард доллар миқдорида ҳарбий кўмак ажратишни режалаштирмоқда. Бундан ташқари, Саудия Арабистони ва Форс қўлтиғининг бешта мамлакатига ҳам расмий Вашингтон томонидан 20 миллиард доллар миқдорида ҳарбий ёрдам кўрсатилиши кутилаяпти. Бу ҳақда Кондолиза Райс Яқин Шарқ мамлакатларига ташрифи бошланиши олдидан баёнот берди. Унга бу сафарда мамлакат мудофаа вазири Роберт Гейтс ҳамроҳлик қилмоқда. Улар Миср ва Саудия Арабистонига келишади.

АҚШ Давлат департаменти вакили Шон Маккормак шу йўл билан минтақа давлатлари томонидан Ироқ ҳукуматининг қўллаб-қувватланишига эришиш эканлигини таъкидлади.

Темир йўл хусусийлаштирилади

Германия ҳукумати мамлакатдаги темир йўлларини хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Мамлакат вазирлар маҳкамаси томонидан тасдиқланган қонун лойиҳасида «Deutsche Bahn» компаниясининг 49 фоиз акциялари сотилади, бироқ назорат пакети давлат ихтиёрида қолади.

«Deutsche Bahn» давлатга қарашли транспорт концерни ҳисобланиб, унинг дунёнинг 150 мамлакатида маъмурий ва ишлаб чиқариш ҳудудлари мавжуд. Компаниянинг 229 минг нафар ишчиси бор. Ўтган йили концернинг ялпи даромади 30 миллиард еврони ташкил қилди. Шундан 1,7 миллиард евроси соф фойдадир.

Нефть қувури тортилади



Эрон ташқи ишлар вазири Манучеҳр Моттакий Ереванда Эрон ва Арманистон ўртасида 200 километрлик нефть қувури тортиб бориш тўғрисида келишувга эришилгани тўғрисида баёнот берди. Арманистонда нефтни қайта ишловчи завод қуриш режалаштирилмоқда. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун камида икки миллиард доллар сарфланиши кутилаяпти.

Махфий ҳамкорлик

Буюк Британия ҳукумати Фаластиннинг «ХАМАС» гуруҳи билан яширин алоқа ўрнатган. Фаластин коалицион ҳукуматининг собиқ раҳбари Исмоил Хания «The Guardian» газетасига берган интервьюсида бу махфий маълумотни ошкор қилди. Унинг сўзларига кўра, бундан тўрт ойча муқаддам жангарилар томонидан гаровга олинган «Би-Би-Си» мухбири Алан Жонстонни озод қилиш йўлида расмий Лондон ва «ХАМАС» ўртасидаги махфий ҳамкорлик кенг ривожланган. Исмоил Ханиянинг айтишича, хориж мухбирининг озод этилишида «ХАМАС» бевосита иштирок этган. Унинг тасдиқлашича, Буюк Британия тарафи ушбу ҳамкорликни халқаро ҳамжамиятдан сир тутилишини талаб қилган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



Жазирама ёз ҳам асли ғаниматдир,
Оқар сувдек умримизнинг лаҳзалари.
Хаёл сувдек, сув хаёлдек тўлиб оқар
Нигоҳларинг олисларга тушган сари.

Азамат АҲМАД олган сурат-лавҳа.

"ANVAR-STAMKULOV" масъулияти чекланган жамияти Тошкент шаҳар Халқлар Дўстлиги кўчаси 17 уй 19 хонадон, ИНН-300057459, 2006 йил 20 ноябрда Чилонзор тумани ҳокимиятида рўйхатдан ўтган. 2007 йил 25 июлдаги №2 сонли баённомага асосан ўзини-ўзи тугатади. Фирма очилгандан буён молиявий ва хўжалик ишларини юритмаган. Ариза ва шикоятлар икки ой мобайнида қабул қилинади.

* * *

"Intrako-servis" МЧЖ мақоми "Intrako-servis" хусусий корхонасига ўзгартирилади ва "Intrako-servis" МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз бўйнига олади. Маълумот учун телефон: 188-92-90.

* * *

"Globalnet-Servis" МЧЖ Юнусобод туманида рўйхатга олинган "ProNet System" ХКга қўшилиши муносабати билан ҳуқуқий ворислигини топширади. Даъволар бўйича 134-67-37 рақамига мурожаат қилинади.

* * *

Утерянний диплом АС № 073254 выданный 30 июня 1997 года Республиканским лицеем легкой и пищевой промышленности г. Ташкента на имя Никитиной Натальи Ярославовны считать не действительным.

* * *

Утерянный гос. ордер № 10-01/20714 от 5 июля 1993 года права собственности на квартиру на имя Касимова Абида считать не действительным.

ЧП "RADUGA KOLOR TRADE", зарегистрированный в С. Рахимовском районе г. Ташкента, реорганизуются на ООО "RADUGA KOLOR TRADE". Претензии принимаются по тел: 158-95-00

* * *

Дочернее предприятие "DELIGHT" сообщает о преобразовании в общество с ограниченный ответственностью. Справки по тел: 135-59-36.

ООО "DELIGHT" будет являтся право преемником всех прав и обязательств ДП "DELIGHT".

* * *

ИП "TAXI-MILLENIUM" Юнус-Абадского район г. Ташкента (код ОКПО 20390687) сообщает преобразование в ООО "TAXI-MILLENIUM".

* * *

Утерянный кадастровый документ выданный на Ташкентский дом радиовещания и звукозаписи № 2373774233 Управление земельных ресурсов и государственного кадастра Хамзинского района г. Ташкента считать не действительным.

* * *

ООО "DELKO SERVIS" Сергилинского район г. Ташкента (код ОКПО 21158366) преобразуется в ЧП "DELTA AZIA". Претензии принимаются по телефону 127-02-70.

* * *

Утерянный гос. ордер № 07-01/4308 от. 5.02.93 г. права собственности Абдужабборов Зарбиддин Бахриддинович на квартиру считать недействительным.

«Миллий тикланиш» газетасига реклама ва эълонлар қабул қилинади.
Матбуотчилар кўчаси 32-уй. 501, 502-хоналар.
Телефонлар: 136-58-73, 133-67-51.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73.

Манзилимиз: *Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй*
® - *Тижорат материали*

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 723.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2100
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00